Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда инсон қадри улуғланадиган адолатли, эркин ва обод жамият, халқпарвар давлат, фаровон ҳаёт барпо этишга қаратилган ислоҳотларимиз жадид боболаримизнинг эзгу ғоя ва дастурларига ҳар жиҳатдан уйғун ва ҳамоҳангдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

O‘zingni angla!

Hurriyat

Mustaqil gazeta

2023-yil
13-dekabr
chorshanba
№ 48 (1371)

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ★ www.uzhurriyat.uz ★ gazhurriyat@mail.ru ★ t.me/hurriyatuz ★ Hurriyat gazetasi

ЎЗЛИК

МАЪНАВИЙ УЙҒОҚЛИК ВА ОГОҲЛИККА ЧОРЛОВ



Жорий йилнинг 11-12 декабрь кунлари пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган **“Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари”** мавзусидаги халқаро конференция фаолияти нафақат юртимизда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида жуда катта қизиқиш уйғотди.

Маълумки, Туркистонда XIX аср охири – XX аср бошларида юзага келган жадидчилик ҳаракати вакиллари ўлкани мустамлака кишани ҳамда асрий қолоқликдан озод этиш, мазлум халқ қалбига маърифат зиёси, миллий ўзлик ва эрк туйғусини сингдиришни олий мақсад қилган эдилар. Шу тариқа улар Ўрта Осиё тафаккури тарихида ўзига хос янги Уйғониш даврини бошлаб берганлар. Афсуски, мураккаб тарихий шароит жадид боболаримизга ўз мақсадларини тўлиқ рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилган.

Сталин қатағонлари даврида жадид маърифатпарварларининг асосий қисми жисмонан йўқ қилинди. Ҳурриятни байроқ қилиб чиққан инсонларга “миллатчи” ва “халқ душмани” тамғаси босилди. Маърифатпарвар боболаримиз ёзган бадиий, илмий ва публицистик асарлар халқ қалбида эрк туйғусини жўш урдириши, миллий ўзликни уйғотиши мумкин эди. Шу боис шўро пропаганда машинаси миллатнинг чинакам зиёлилари номини халқ қалби ва хотирасидан буткул ўчиришга ҳаракат қилди, ҳатто жадид адабиётини ўқиш тақиқланди. Зотан, қизил империя халқни тарихий хотираси ва миллий ўзлигидан маҳрум этиш орқали осонгина бошқариш ва ўз измига солишни кўзлаган эди.

Абдулла Қодирий ва Абдулҳамид Чўлпон қаламига мансуб асарлар айрим қисқартиришлар билан чоп этилган бўлса-да, халқимиз ўзининг улуғ фарзандлари номини унутмаган эдилар. Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Мунавварқори Абдурашидхонов, Худойберган Девонов, Исҳоқхон Ибрат каби пешқадам маърифатпарварлар номи, тор доирадаги мутахассисларни инобатга олмаганда, кенг жамоатчиликка нотаниш бўлгани бугун тасаввурга ҳам сиғмайди.

Бугун юртимизда миллий ўзликни уйғотиш, халқнинг маънавий, тарихий ва маданий меросини тиклаш масаласи давлат сиёсати, стратегик вазифа даражасига кўтарилди. Жадид ҳаракати вакилларининг 60 йил давомида темир сандиқларда сақланган асарлари яна ёруғ дунё юзини кўрди, уларнинг илмий-адабий мероси кенг тадқиқ этила бошлади, маърифатпарварларнинг ғоялари ва фаолияти ўрта ҳамда олий таълим дастурига киритилди.

* * *

Тошкент шаҳрида “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусида халқаро илмий анжуман юқори даражада бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг ҳамда дунёнинг ўнлаб мамлакатларидан келган таниқли олимлар, тарих соҳаси вакиллари иштирок этишди. Тадбир Миллий масс-медиани қўллаб-қувватлаш жамғармаси ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи ва Туркий давлатлар ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди.

8-б.

ЎЛМАС САТРЛАР

Абдурауф ФИТРАТ

ЮРТ ҚАЙҒУСИ

Онам! Сени қутқармоқ учун жонми керакдир?
Номусми, виждон била имонми керакдир?
Темур била Чингиз қони тошди томиримиздан,
Айтгил! Сени қутқармоқ учун қонми керакдир?
Ёв суқғали келгач қиличини юрагингга,
Туш олдига, ол кўксуми – қалқонми керакдир?
Боқ, боқ, мана турк тенгизи тошқун қила қолди,
Турон ёвини қувғали тўфонми керакдир?
Турон, йигитинг, барчага боқ, қалқди оёққа,
Юртда қоровул қўйғали арслонми керакдир?

БОТУ

ЙЎЛЧИ СЎЗИ

Юртдан, элдан узоқда
Истиқбол деб юраман.
Нечундирким, тузоқда
Элим онгин кўраман.

Узоқ ва ёт йўлларда
Турли мудҳиш кўриниш.
Бу зўр – улуғ дунёда
Яшаш учун югуриш.

Фоже ҳоллар юракда
Ўчмас излар ясайлар.
Истиқбол-чун изларда
Улуғ сирлар яшайлар.

Кўрдикларим ҳар бири
Меним учун зўр сабоқ.
Билдикларим ҳар бири
Тузоқ учун бир яроқ.

1925 йил.

ОБУНА — 2024

Hurriyat
Mustaqil gazeta



Қадрли юртдошлар!
“Hurriyat”га келгуси йил учун ҳам, албатта, обуна бўласиз деган умиддамиз!
Унутманг, обунани “Ўзбекистон почтаси” АЖ, “Матбуот тарқатувчи” АК филиалларида ва таҳририят орқали расмийлаштиришингиз мумкин.

Обуна индекси: 233

ЭЪТИРОФ

Юртимизнинг энг серқуёш ўлкаси Сурхондарёда узоқ вақтлар давомида фақатгина ягона олий ўқув юрти фаолият кўрсатар, у ҳам бўлса, ҳозирги Термиз давлат университети эди. Аммо сўнгги йилларда таълим соҳасига катта эътибор туфайли Сурхон диёрида ҳам 10 га яқин олий таълим муассасалари ташкил этилди.

ТерДПИ ректори — Россия университетининг фахрий профессори

Ана шулар қаторида бундан 5 йил аввал ташкил топган Термиз давлат педагогика институти бугунги кунда юртимиздаги энг нуфузли, обрўли олий таълим ўчоқларидан бирига айланиб улгурди. Бу ерда айни пайтда 10 минг нафардан зиёд талабалар таҳсил олишмоқда. Институтда 9 та факультет, 20 та кафедра мавжуд. Олий таълим даргоҳи ёшларига 300 нафардан зиёд устозлар сабоқ беришмоқда.

Яқинда мазкур институт ректори Азизбек Ҳасанов Россия Федерацияси Шадринск давлат педагогика университетининг “Фахрий профессор” даражаси билан тақдирланди. Институт ректори мазкур эътирофга Термиз давлат педагогика институти ҳамда Шадринск давлат педагогика университети билан олиб бораётган ўзаро ҳамкорликдаги самарали фаолияти учун муносиб деб топилди. Ушбу нуфузли мукофотни ТерДПИда бўлиб ўтган тантанали тадбирда Шадринск давлат педагогика университети доценти Ольга Калинина топширди.

— Бизнинг Россия Шадринск давлат педагогика университети жамоаси Термиз давлат педагогика институти билан тузилган ўзаро ҳамкорлик меморандумига кўра, олийгоҳларимиз ўртасида қўшма малака ошириш курсларини ташкил этиш, илмий-педагогик тажрибалар алмашиш ҳамда бир қанча йўналишларда магистратура дастурининг йўлга қўйилаётгани ҳамда ТерДПИ ректори Азизбек Бахтиёрович Ҳасановга университетимизнинг “Фахрий профессор” даражасини топширишдан мамнун, – деди О.Калинина.

Шуни айтиш жоизки, ТерДПИ нафақат Россиядаги Шадринск давлат педагогика университети, балки бошқа хорижий мамлакатлардаги нуфузли олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда қатор илмий-педагогик келишувлар, ташаббуслар асосида иш юритмоқда. Мақсад олий таълим даргоҳи обрў-эътиборини, мавқеини дунё бўйлаб ошириш билан бир қаторда, сабоқ олаётган ёшларни ҳар томонлама тўкис, етук мутахассислар этиб тайёрлашдан иборат.

Сафар ОМОН,
“Hurriyat” мухбири.

ИККИНЧИ ФИКР

ЭНГ ЗЎР БАЙРАМ

ёхуд журналистика соҳасини танлаган ёшларга дилимдаги гаплар

Тақдир тақозоси билан салкам бир ой касалхонада ётишимга тўғри келди. Кундалик нашрларни мутолаа қилишга ўрганиб қолганим учунми, давлат ва нодавлат телеканалларининг бўлар-бўлмас матоҳларини кўриб, асабимни бузгим келмас, обуна бўлган газеталаримни олиб келтиришга бир-икки соат вақт кетишини ўйлаб, ўғлимни безовта қилишни истамасдим. Гоҳ-гоҳида шерикларим ўқиётган “сариқ матбуот”ни кўздан кечирар, бироқ унга сарфлаган вақтимга ачинар эдим. Бундай пайтда давлат ва нодавлат нашрлари билан бир қаторда ҳаётимнинг ажралмас қисмига айланган “Hurriyat”, “Жамият”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газеталари нигоҳимдан кетмас, тезроқ соғайиб, улар билан дийдорлашишни, мириқиб гурунглашишни истардим.

Баъзан шифтга тикилиб ётганимда, хаёллар талабалик йилларимга чорлар, ўша пайтда республикамиз пойтахтида чиқадиган кундалик нашрлар кўз олдимда намоён бўлар, биз уларни газета-журнал киоскаларида навбатда туриб харид қилар ва қизиқиб мутолаа қилардик. Бу биз учун байрамдек эди. Ўша пайтдаги марказий нашрларда Мақсуд Қориев, Саъдулла Кароматов, Одил Ёқубов, Иброҳим Раҳим, Саид Аҳмад, Худойберди Тўхтабоев сингари моҳир ва тажрибали журналистлар, таниқли ёзувчи ва шоирлар ишларди. Уларнинг долзарб муаммоларга бағишланган мақолаларини, репортаж, очерк ва фельетонларини ўқимай қолмасдик. Бу забардаст адибларнинг маҳорат сирларини профессор-ўқитувчиларимиздан эшитар, ўзимиз ҳам ўша устозларга ўхшаб ёзишга ҳаракат қилардик. Кичикроқ бўлса-да мақола ёки лавҳамиз бирорта нашрда чиқиб қолса, дўппимизни осмонга отар эдик.

3-б.

САНА

ЎЗБЕКИСТОН ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ 80 ЁШДА

Айни кунларда Ўзбекистон илм-фанида муҳим сана – Ўзбекистон Фанлар академияси ташкил топганининг 80 йиллик юбилейи кенг нишонланмоқда. Шу муносабат билан кеча — 12 декабрь куни "Ўзбекистон" халқаро анжуманлар саройида байрам тантанаси бўлиб ўтди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси 80 йиллиги муносабати билан йўллаган табриги ўқиб эшиттирилди.

80 йил мобайнида ғоят мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтган Ўзбекистон Фанлар академияси юртимизда юзлаб атоқли олим ва академикларни тарбиялаб, илм-фан соҳалари бўйича нуфузли илмий мактаблар яратишга катта ҳисса қўшди.

Мустақиллик даврида, айниқса, кейинги йилларда Академиянинг илмий таркиби ютуқларни буюк аждодларимиз асос солган шонли анъаналарга уйғун ҳолда бойитиб, мамлакатимизда илм-фан ривожини янги босқичга олиб чиқмоқда.

Академия тизимида туб ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, унинг таркибида янги илмий ташкилотлар очилиб, тизимдаги муассасалар сони қарийб 1,5 баробар кўпайди. Уларни тўғридан-тўғри давлат бюджетидан молиялаштириш тартиби йўлга қўйилди.

Етакчи олимлар, истеъдодли ёш илмий ходимларнинг фаолияти ва илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш, жамиятда илм-фан намояндаларининг обрў-эътибори ва нуфузини ошириш доимо давлатимиз эътибори марказида бўлиб келмоқда. Соҳа вакилларининг иш ҳақи ҳамда докторантларнинг стипендияси 3 баробар, академикларнинг гонорари 2 мартадан зиёд оширилгани, илмий даражага эга илмий ходимларнинг маошига 60 фоизгача устама ҳақ тўлаш тизими жорий этилгани буни тасдиқлайди.

Фанлар академияси аъзоларининг ижтимоий-маиший шароитини яхшилаш, соғлиғини тиклаш бўйича ҳам тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Тизимда фаолият кўрсатаётган тадқиқотчилар учун имтиёзли асосда квартиралар ажратилди, оилали ёш докторантлар бепул уй-жойлар билан таъминланди.

Академиянинг нуфузли халқаро ташкилотлар ва ривожланган давлатлардаги илмий марказлар билан ҳамкорлиги кучайиб, улар билан биргаликда амалга оширилаётган илмий тадқиқотлар кўлами икки-уч баробар кенгайди.

Стажёр-тадқиқотчилик институти қайта тикланиб, истеъдодли ёш тадқиқотчиларни тайёрлаш сифати яхшиланди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда илмий фаолият билан шуғулланаётган 30 мингдан ортиқ тадқиқотчиларнинг ярмидан ортиғини айнан ёшлар ташкил этаётгани соҳанинг келажаги ишончли қўлларда эканидан далолат беради.

Тадбирда фахрий меҳмонлар, халқаро миқёсдаги нуфузли олимлар, хорижий давлатлар фанлар академиялари президентлари сўзга чиқди.

– 80 йил мобайнида Фанлар академияси катта ва мураккаб йўлни босиб ўтди, – дейди Фанлар академияси президенти Беҳзод Йўлдошев. – Шу давр мобайнида Фанлар академияси умумэътироф этилган, жаҳон илмий жамоатчилигининг нуфузи ҳамда ҳурматини қозонган илм-фан марказига айланди.

Ўзбекистон илм-фани узоқ йиллик тарихга эга бўлиб, бу заминда

Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Маҳмуд Замахшарий, Беруний, ибн Сино, Имом Бухорий, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур сингари буюк мутафаккир ва олимлар жаҳон фани ва маданияти тарихидан абадий ўрин олди.

Шу боисдан Иккинчи жаҳон уруши авжи қизиган кезларда – 1943 йилнинг 4 ноябрида Ўзбекистон Фанлар академиясининг барпо этилиши минг йилликларга дахлдор ўзбек илм-фанида янги бир даврнинг бошланиши бўлди.

Фанлар академиясининг бугуни ҳақида сўз юритадиган бўлсак, юртимизда том маънода дунёга машҳур алломаларнинг издошлари етишиб чиқмоқда. Хусусан, илм йўлида изланаётган ёшларимизнинг бир қанчаси TWAS (Жаҳон фанлар академияси) академиясининг қатор мукофотларини қўлга киритган. Жумладан, ўзбек математикларидан 4 нафари Жаҳон фанлар академияси академиги, 6 нафари TWAS-нинг ёш олимлар бўлими аъзоси саналади.

Академия олимлари сафига тиришқоқ ёшлар қўшилишда давом этмоқда. Улар ўзбек илм-фанининг келажагидир. Қолаверса, ёшларнинг илмий тадқиқотини қўллаб-қувватлаш, уларга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ёшларнинг илмий изланиши асосида маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи, экспортбоп кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, олимларимиз моносилан ва поликристалл кремний олишнинг янги технологиясини яратишга муваффақ бўлди. Мазкур ишланма Ўзбекистон, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Тайван ва Европа Иттифоқи мамлакатларида патент билан ҳимояланган.

Тадбир давомида Фанлар академияси ташкил этилиши ва ривожланиши ҳамда мустақиллик йилларида фаннинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, илмий-тадқиқот фаолиятини такомиллаштиришга бағишланган "Учинчи Ренессанс пойдевори" номли ҳужжатли фильм ҳамда Ўзбекистон санъат усталарининг концерт дастури намойиш этилди.

Нигора РАҲМОНОВА,
ЎзА мухбири

МУНАВВАР ҚОРИ АБДУРАШИДХОНОВ ТАВАЛЛУДИНИНГ 145 ЙИЛЛИГИ

БИРИНЧИ ЎЗБЕК РЕКТОРИ

Марказий Осиёда етакчи университет ҳисобланган бу олий таълим муассасаси 1918 йил 12 майда ташкил этилган. У қатор йиллар турли номлар билан аталган. Яъни, 1918 йилда Мусулмон халқ дорилфунуни, 1918-1919 йилларда Туркистон халқ университети, 1919-1923 йилларда Туркистон давлат университети, 1923-1960 йилларда Ўрта Осиё давлат университети, 1960-2000 йилларда Тошкент давлат университети деб юритилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 сентябрдаги "Тошкент давлат университетига Мирзо Улуғбек номини бериш тўғрисида"ги қарори эълон қилинди. Мазкур қарорга биноан Тошкент давлат университетига Шарқнинг буюк олими ва мутафаккири Мирзо Улуғбек номи берилган.

Собиқ мустабид тузум барҳам топгач, университетимиз буюк аждодимиз Мирзо Улуғбек номини олиши замирида бир олам маъно мужассам. Бу кўҳна тарихимиз, улуғ аждодлардан қолган бебаҳо меросдир, илму маърифатга нисбатан адолатнинг тикланиши, бу борадаги асл қадриятлар том маънода қадр топиши эди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 28 январдаги "Тошкент давлат университетига "Ўзбекистон Миллий университети" мақомини бериш тўғрисида"ги Фармони билан бу ўқув даргоҳи "Миллий университет" мақомига эга бўлди. Шундан буён бу олий таълим муассасаси — Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети деб аталмоқда.

Мазкур Фармонда Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган жадид зиёлиларимизнинг буюк хизматларини эътироф этиш, тарихий ҳақиқатни тиклаш, ёшлар қалбида истиқлол ғояларига садоқат туйғуларини тарбиялаш, умуминсоний ва миллий илм-фан қадриятларини авлодлар онгига теран сингдириш, Тошкент давлат университетининг азалий юксак мавқеини ўз жойига қўйиш, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Собиқ мустабид тузум даврида бу университет "доҳий имзо чеккан декрет"га биноан барпо этилган деган сохта гаплар айтилган бўлса, юқорида номи қайд этилган Фармонда Ватан ва миллат тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатган жадид зиёлиларимизнинг буюк хизматларини эътироф этилган, тарихий ҳақиқатни тиклаш йўлида залворли қадамлар ташланди.

Модомики, 105 йил илгари юртимизда биринчи университет ташкил этилгани эътироф этилар экан, унинг биринчи ректори — буюк жадид бобомиз Мунаввар қори Абдурашидхонов бўлгани қатор манбаларда қайд этилган.

Адиб, мураббий, муҳаррир, маърифатпарвар, жамоат арбоби, Туркистон жадидчилик ҳаракати етакчиларидан бири сифатида тарихда ёрқин из қолдирган Мунаввар қори Абдурашидхонов 1878 йилда Тошкент шаҳрининг Шайх Хованд Тоҳур даҳаси Дархон маҳалласида мударрис оиласида туғилган. У Тошкентдаги Юнусхон мадрасасида ўқиган, сўнгра Бухорода таҳсил олган ва Тошкентга қайтгач, фаолиятини давом эттирган.

Қатор манбаларда қайд этилишича, Мунаввар қори XIX асрнинг охиридан бошлаб жадидчилик ҳаракатларида фаол иштирок эта бошлади. 1901 йилда ўз ҳовлисида, кейинчалик Тошкентнинг турли даҳаларида жадид мактабларини очади. Бу мактаблар учун 1907 йилда "Адиби аввал", "Адиби соний" дарсликларини яратади. "Тажвид ал-Қуръон", "Ер юзи" сингари қўлланмаларни тузиб, нашр этади. Болалар учун қатор шеърий ва насрий ҳикоялар ёзади. У 1909 йили Тошкентда "Жамияти хайрия" уюшмасини тузади ва "Турон" номли жамиятни очади.

1906 йилда дастлабки ўзбек нашрларидан бири "Хуршид" газетасини чоп этишда бошқош бўлган Мунаввар қори кейинчалик "Нажот", "Кенгаш" газеталарида бош муҳаррир, "Садойи Туркистон"да эса бўлим муҳаррири бўлиб хизмат қилади. У 1917 йил февраль инқилобидан кейин Туркистонда демократик миллий давлатчиликни тузиш ғоясини илгари сурди. Қўқонда ташкил топган Туркистон Мухториятини қўллаб-қувватлади. Шўро даврида у ўзининг очиқ маърифий ишларини ва яширин сиёсий ҳаракатларини давом эттирди.

1918 йил апрель ойида Туркистон халқ дорилфунунига асос солинади ва 12 майдан бу олий таълим муассасаси тўла-тўкис фаолиятини бошлайди. Бу ўлкада бунёд этилган мазкур дорилфунуннинг биринчи ректори этиб сайланган Мунаввар қори Абдурашидхонов ўша давр маърифати осмонида мисоли бир қуёш бўлгани баайни ҳақиқатдир.

Ўтган асрнинг 20-йиллари ўрталарида миллий зиёлиларни таъқиб қилиш кучайиши натижасида Мунаввар қори ҳамма лавозимлардан четлаштирилади. Бироқ Мунаввар қори Абдурашидхоновни истиқлол ғояларидан қатағон ҳам қайтара олмади. У 1929 йилда қамоққа олинади ва 1931 йил 23 майда отиб ташланади. Унинг хоки Москвадаги Ваганково қабристонида эканлиги ҳақида матбуотда қатор мақолалар ёритилган.

Мунаввар қорининг "Хотираларимдан" номли рисоласи улуғ аждодимиздан ажиб бир меросдир. Унда 20-йилларда миллий озодлик ва истиқлол учун кураш олиб борган "Иттиҳоди тараққий", "Бирлик", "Миллий иттиҳод" ва "Миллий истиқлол" каби ошкора ва яширин ташкилотлар тарихи ёритилган.

Хотиранинг биринчи қисми жадидчиликнинг майдонга келишидан 1917 йил февраль инқилобигача бўлган даврни ўз ичига олади. Иккинчиси, 1917 йил февраль-октябрь, учинчиси эса шўро даврини (1917-1929 йиллар) қамраб олган. Китобнинг ёзилиш тарихи ва жойи ҳам ўзгача. Мунаввар қори уни 1929-1930 йилларда қамоқхонада боши узра сиёсий қатағонлик ойболтаси кўтарилиб турган аянчли бир пайтда ёзган экан. Тарихчи олим Сотимбой Холбоевнинг ёзишича, бу рисола миллий озодлик кураши, миллий уйғонишда маънавий куч-қувват ва илҳом манбаи бўлган ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, миллий-демократик ҳаракат — жадидчилик фаолияти ҳақида анча кенг маълумот беради.

Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан 2008 йилда чоп этилган "Мўътабар зиё маскани (1918-2008)" китобида бу мавзуда кенг маълумотлар берилган. Чунончи, Мунаввар қори Мусулмон халқ дорилфунунини ташкил этиш мақсадида 9 кишидан иборат ташкилот комиссиясини тузади. Унга Мунаввар Қори (раис), Бурҳон Ҳабиб, Исо Тўхтабоев, Содиқ Абдусатторов, Муродбек, Муродхўжа, Мухтор Бакир, Абдусами қори Зиёбоев ва бошқалар кирган эди. Комиссия Мусулмон халқ дорилфунунини ҳам русча Туркистон Халқ дорилфунуни каби уч босқичда ташкил этади: юқори босқич — дорилмуаллимин (ўқитувчилар институти); ўрта босқич — ўрта ҳунар мактаблари; қуйи босқич — бошланғич мактаблардан иборат бўлади. 3 май куни Мусулмон халқ дорилфунуни раҳбариятига сайлов бўлиб ўтади. Унда Мунаввар қори раис (ректор), Исо Тўхтабоев ректорнинг биринчи, Бурҳон Ҳабиб иккинчи ўринбосарлари, Абдусами қори Зиёбоев хазинадор, Мухтор Бакир саркотиб этиб сайланади.

Ҳикоя қилинишича, 1918 йил 12 май куни Эски шаҳар даҳасидаги Викула Морозовнинг собиқ дўкони биноси (ҳозирги Ўзбек ёш томошабинлар театри)да Мусулмон халқ дорилфунунининг тантанали очилиш маросими бўлади. Уни Мунаввар қори қисқача кириш сўзи билан очиб, мусулмонлар чоризм даврида рус йўқсиллари билан биргаликда ярим аср қулликда яшагани, бугунги озодлик ва тантана катта талафотлар билан қўлга киритилганлигини айтади. Шундан сўнг бу курашда ҳалок бўлганларга бағишлаб, Қуръони каримдан тиловат ўқилиб, фатво берилади. Мусулмон дорулфунуни Мунаввар қори раҳбарлигида ўз даврининг катта билим масканига айланади. У 15 демократик маданий-маърифий ташкилот вакилларидан уюшган 45 кишилик кенгаш томонидан бошқарилади. Унда ишловчи муаллимлар сони 180 нафарга етади. 1918 йил 31 майдан бошлаб, бу ўқув даргоҳида "Халқ дорилфунуни" газетаси чиқади. У дастлаб ҳафтада бир марта, кейин эса (5-сонидан бошлаб) ҳафтада икки марта чоп этилади. "Халқ дорилфунуни" бутун Туркистон ўлкаси бўйлаб тарқатилар эди.

1918 йил 2 июнь куни Мусулмон халқ дорилфунунининг юқори босқичи — дорилмуаллимин (ўқитувчилар институти) ишга тушади. Унда Абдурауф Фитрат она тилидан, Камол Шамси арифметика ва немис тилидан, Раҳимбоев арифметикадан, Абдураҳмон Исмоилов санъатдан, Ризаев маданият тарихи ва сиёсий иқтисоддан, Мунаввар қори (дорилмуаллимин мудири — ректори ҳам эди) она тилидан дарс беради.

Шу тариқа ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети пойдевори қўйилган.

Мунаввар қори ўзбек миллий театри асосчиларидан бири сифатида ҳам катта обрў ва эътибор топган. У ўз фикрдошлари билан ижодий ҳамкорликда 1914 йилдаёқ "Турон" труппасини тузган эди. Бу труппа беш йил фаолият кўрсатади.

Улуғ жадидчи бобомиз ёш авлодни тарбиялашга катта эътибор беради. Уларга маънавий оталик қилади. Бу ўринда Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг 1915 йилда унга ёзган хати диққатга сазовордир: "Ассалому алайкум! Маънавий қори отамиз ҳазратларина!"

Устоз эса ўз шогирди Ҳамзага меҳр ила ёзилган жавоб хатларидан бирида (1916): *"Ҳурматли Ҳамза афанди! Эшон ва бойларнинг малъун ва аблаҳликларини очиқдан-очиқ "малъун", "жоҳил", "хоин", "палид", "нобакор" каби сўзлар ила эмас, қилғон ишларининг ёмонлиги ила кўрсатилса яхши бўлур эди",* — деб маслаҳат беради.

Бу ўринда Мунаввар қори бадиий ижодиёт соҳасида Ҳамзага жуда тўғри маслаҳат беришдан ташқари, шу нарса аниқ сезилиб турибдики, у динга эмас, балки, диндан ўз манфаати йўлида фойдаланаётган диндорларга қарши бўлган. Мунаввар қори бутун халқ ва айниқса, ёшларнинг имони бут бўлиши билан бирга, ўта хавфли душман — ижтимоий-сиёсий "ялқовлик" ва "нодонлик"дан сиёсий фаоллик ва миллий уйғонишга чақирган эди.

Минг афсуски, бу улуғ зот шўро тарихида "халқ душмани", "миллатчи" (бир миллатни иккинчисига қарама-қарши қўйиш маъносида), "маҳаллий буржуазия идеологи" деб таърифлаб келинди. Унга нисбатан ёш авлодда нафрат туйғусини тарбиялашга ҳаракат қилинди.

Мунаввар қори бор-йўғи 53 баҳорни кўрди. Шундан 39 йили "инқилоб"дан олдинги чоризм мустамлакачилиги азоби остидаги болалик, балоғат ва фаоллик даври бўлса, қолган 14 йили қизил империя ва ленинча қатағонлик сиёсати томонидан маънавий хўрланиш замони бўлди. Умрининг охирги икки йилида у ҳарбийлаштирилган сиёсий бошқарма қамоқхоналарида ўз халқи озодлиги ва мустақиллиги учун ўлимга қарши тик туриб курашди. Бизларга насиб бўлган сиёсий ва миллий мустақиллик нашидаси унинг учун улкан армон бўлиб қолса-да, у бу ёруғ кунларнинг келишига комил ишонч билан қарар эди.

Бу улуғ даргоҳга кейинчалик турли йилларда Қори Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Обид Содиқов, Сағди Сирожиддинов, Эркин Юсупов каби машҳур академик олимлар ҳам ректорлик қилганлар. Шу тариқа университетимизда ўзига хос ректорлик мактаби ҳам яралган, десак, муболаға бўлмайди.

Сўнгги йилларда муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетига бир неча бор ташриф буюриб, қатор истиқболли ғояларни илгари сурди. Мазкур ғоялар асосида навбатдаги янги лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифалар таълим тизимини изчил такомиллаштиришга хизмат қилади. Чунончи, янги авлод ўқув адабиётлари яратиш, уларни таълим жараёнларига кенг татбиқ этиш, олий таълим муассасаларини замонавий ўқув, ўқув-методик ва илмий адабиётлар билан таъминлаш борасида қатор вазифалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Назарий билимларни амалиёт билан чамбарчас боғлаш учун ЎзМУнинг қатор дала-амалиёт майдонлари, ўқув-илмий лабораториялари, ўқув-илмий-тажриба марказлари самарали фаолият кўрсатмоқда. ЎзМУ илмий мактабларида кўплаб амалий, фундаментал, инновацион, ёш олимларнинг фундаментал ва амалий лойиҳалари устида ишлар олиб борилмоқда. Шу билан бир қаторда талаба-ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, грант танловлари ва лойиҳаларида иштирок этиш, хўжалик шартномалари тузиш, бошқа олий таълим ва илмий тадқиқот муассасалари учун мақсадли илмий кадрлар тайёрлаш ишлари изчил давом этмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг барчаси ёш иқтидор соҳибларининг орзу-умидларига эришишлари учун замин яратади.

Ҳақиқий олимнинг сабоғини олган ёшлар илм чўққиларини забт этишларига умид қилса бўлади. Бугунги кунда Миллий университетда кўплаб академиклар, профессорлар фаолият кўрсатмоқда, юзлаб ёш олимлар илмий тадқиқотлар олиб бормоқда.

ЎзМУда сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар ҳақида санайверсак, анча салмоқли маълумотлар пайдо бўлади. Муҳими, университетимизнинг илм ва маърифат йўлидаги истиқболли йўли шу тариқа самарали давом этаверади.

Бу улуғвор ишлар 105 йил муқаддам университетимизнинг тамал тошини қўйган Мунаввар қори Абдурашидхонов ва бошқа улуғ сиймолар руҳини ҳам шод этажак.

Тўлқин ЭШБЕК,
ЎзМУ доценти.

МАҲАЛЛАЛАР ҲАЁТИ

АЗИЗ ОДАМЛАР

Санобар опага улуғ шоир яшаган маҳалла ҳаётини ёритмоқчи эканлигимизни айтганимизда, у: “Ҳудудда қайта таъмирланган мактаб фаолиятини кўрсатайлик, чунки айни пайтда энг диққатга сазовор нуқтамиз шу мактаб бўлади”, деган фикрни билдирди. Опанинг сўзларидан ўша мактабни бориб кўришга қизиқиш пайдо бўлса-да, ишни, аввало, маҳалла хотин-қизларининг қувончу ташвишлари билан бирга яшаётган “Оқила аёллар” ҳаракати аъзолари билан суҳбатдан бошладик.

— Маҳаллада ҳар хил одам бор. Ҳозир улар билан чиқишишнинг ўзи оғир масала. Айниқса, бугунги кун аёлининг кўнглини топиш жуда қийин. “Оқила аёллар” ҳаракати раҳбари Санобар опанинг катта ҳаёт тажрибаси, салоҳияти хонадонлар тинчлигини сақлашда, маҳалланинг ободлигида асқатди. У, биз, ўн беш нафар фаолни ҳар доим ёнида олиб юради. Деярли ҳар куни биргамиз. Эрталабдан маҳаллани бир айланиб чиқамиз. Кўп қаватли уйларга бириктириб қўйган масъул аёлларимиз билан боғланиб, ўтган кеча-кундузда ҳеч қандай ташвишли ҳолат бўлмаганига амин бўлгачгина, бошқа ишларимизга уннаймиз, — дейди оқила аёллар ҳаракати фаолларидан бири, кимё фанлари номзоди, доцент Мунаввар Саидова.

Дарҳақиқат, маҳалладаги 30 та кўп қаватли уйнинг ҳар бирига уч нафардан ибратли оила аёллари бириктирилиб, ҳар кунги ҳолат бўйича қарийб икки ярим минг аёлни бошқараётган Санобар Шодиевани хабардор қилиб туришар экан. Саксонни қоралаётган онахон бўлишига қарамасдан, уйма-уй юриб, бир ярим мингга яқин оила дарди билан ҳамнафас фидойи аёлнинг бажараётган ишларига таҳсин айтмасликнинг иложи йўқ.

— Бундан бир-икки йил олдин бир оила ҳеч тинчимай қолди. Ўртада болалар бор. На эр кўнади гапга, на хотин. Ўша кунлари “Ибратли оила” танловини ўтказиш режамизда бор эди. Кечқурун уйда чой ича-ича, шу оилани иштирокчи қилсам-чи, деган фикр келди. Эртасигаёқ хонадонга бордим, сўзни “менга ёрдам қилмасанглар бўлмайди”дан бошладим. Шундай демасам, кўнишмасдиям гапимга. Эрига қараб, жуда ноқулай аҳволда қолганимни, танловда улар иштирок этмаса бўлмаслигини ташвишли қиёфага кириб айтдим. Икки ҳафта тайёргарлик жараёнларида эр-хотин яраши-қўйди. Булар ярашишига монелик қилаётган нарса оиладаги жанжалнинг кўчага чиқиб кетгани экан-да. Ҳеч нима бўлмагандай ярашиб олишга ўзларича қўни-қўшнидан уялиб юрган эр-хотин, биров билиб, биров билмай, апоқ-чапоқ бўлиб кетишди. Оилалар билан ишлаш ҳам бир сиёсат, — дейди Санобар опа.

Маҳаллада хотин-қизларнинг кўпроқ уйда қолиб, ўз қобиғига ўралиб олиши ва шу туфайли фаоллик даражаси пасайиб кетишининг олдини олиш учун арт-терапия ва нейрография бўйича семинар машғулотлари ўтказилган. “Маънавият даврлари”, “Одобли қиз”, “Кийиниш маданияти”, “Ибратли қайнона”, “Маърифатли она”, “Оилада тиббий маданиятни шакллантириш” каби тадбирлар ташкил этилган. Бу каби ҳаракатлар эса оилаларда аёл деган мавқенинг мустаҳкамланишига сезиларли таъсир этмоқда. Ўтган асрнинг 70-йилларида бунёд этилган 168-сонли “Кўзмунчоқ” болалар боғчаси давлат томонидан қайта қурилгани, маҳалла ҳудудида нуфузли хорижий институт филиалининг биноси қад ростлагани, кўп қаватли савдо мажмуасининг фаолияти йўлга қўйилгани ҳам маҳалланинг кўркига эга бўлганини эса мактабга бориб билдик.

2022 йилда бу таълим даргоҳини капитал таъмирлаш учун давлат бюджетидан 11 миллиард 800 миллион сўм ажратилган. Мактаб мутлақо янгича услубда қайтадан таъмирланган. Биринчи қават Биринчи Ренессанс, иккинчи қават Иккинчи Ренессанс даврининг руҳини беради кишига. Деворларга катта қилиб ишланган алломалар суратлари илм ва абадиятдан сўзлайди гўё. Шу аснода учинчи қават “Янги Ўзбекистон — Учинчи Ренессанс пойдевори!” ғояси асосида шакллантирилибди.

— Бу йил ўқувчиларимнинг 57/3 фоизи олий таълим муассасаларига ўқишга кирди. Битирувчиларимдан Наргиза Азаматова бир йўла ўнта хорижий институтнинг талабаси бўлгани мени жуда хурсанд қилди. Яна бир ўқувчи қиз Диёра Рустамова эса “IELTS”дан 8,5 баллни қўлга киритди. Тўрт нафар ўқувчи мактабни олтин медаль билан тугатди. Шу жойда бир нарсани алоҳида айтиб ўтиб кетмасам бўлмайди. Инновация вазирлиги, Турин политехника университети ва Олмазор туман ҳокимлиги ҳамкорликда нанотехнология бўйича янги “DremSat таълим дастури” лойиҳасини бизнинг мактабимиз ўқувчилари билан бошлади. Лойиҳа бўйича иншолар танлови ўтказилиб, барча мактаблардан 20 нафар ўқувчи саралаб олинди. Улар ўқитилди ва мактабимиздаги 3D моделлаштириш ва робототехника хоналарида ўз қўллари билан кичик нано-сунъий йўлдошларни ясашди ва жойлашуви бўйича мос келгани учун Навоий вилоятида очиқ стратосферага учиришди. Ҳаво шари, қуёш, умуман, ўзлари хоҳлаган нарсани ясаб, махсус кодлар ёрдамида дастурлашди. Учирилган кичик сунъий йўлдошчаларнинг қаергача етиб боргани ва учиш даражаси эса мактабга ўрнатилган катта экран орқали болаларнинг ота-оналарига онлайн тарзда кўрсатилди. Мени энг суюнтирган нарса — мана шу лойиҳа ортидан иштирокчи ўқувчиларимнинг тўрт нафари Американинг нуфузли олийгоҳларига 108 минг долларлик грант асосида ўқишга кирди. Бу эса болаларда физика-математика фанларига ва, айниқса, яратишга бўлган қизиқишни кучайтирди, — деди мактаб директори Наргиза Тошхўжаева биз билан суҳбатда.

Санобар опанинг: “Шу мактабни ёритайлик”, деганича бор экан. Мактабда иккинчи хорижий тил ва касбга йўналтириш ишлари намунали тарзда йўлга қўйилибди. Ўғил болалар учун юқорида айтилган ахборот технологиялари соҳасида 3D моделлаштириш ва қизлар учун тикувчиликка қизиқишни ривожлантиришга эътибор кучайтирилган. Туман ҳокимлиги томонидан 12 та замонавий тикув машиналарининг совға қилиниши ҳам тез орада юзлаб чевар қизларни, эҳтимолки, жаҳон мода майдонига чиқа оладиган модельерларни юзага чиқарса, ажабмас. Зеро йигирма йиллаб Республика болалар бадиий ижодиёти марказини бошқарган Санобар Шодиева айтганидай, ўқувчининг иқтидорини оча билиш юз фоиз ўқитувчига боғлиқ. Мактаб директорининг ўн беш йил “Машҳура” фирмасида орттирган тажрибаси, асли мутахассислигининг модельер дизайнерлиги шу жойда иш бериши шубҳасиз. Иккинчи хорижий тил сифатида эса корейс тили танлаб олинди. Болалар 7-синфдан бошлаб қўшимча тарзда корейс тилини ҳам ўрганиш имкониятига эга бўлди. Кореядан ҳар бир чорак учун алоҳида дарсликлар келтирилди. Мактаб раҳбари “мутахассис кам” деб қўлини қовуштирмади. Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университетидан корейс тили йўналиши бўйича ўқиб, амалиётга келган тўрт нафар талаба қизни ишга қабул қилди. Дарс соатларини ҳам уларнинг келиб-кетиш имкониятларига қараб белгилади. Мактабнинг шоир Чустий боғи ўрнида барпо қилинганида ҳам бир ҳикмат бордай... Ҳар қалай, ўқув даргоҳининг имкониятлари ўзидан кўпаймоқда. Ҳинд муаллими Абдулла Падувазнинг устоз ва ўқувчиларнинг инглиз тилида мукаммал илм олиши учун шу мактабга бириктирилиши нур устига аъло нур бўлди. Ўқитувчилик соҳасини кўпроқ хотин-қизлар ташкил этишини, шунингдек, болалар таълим-тарбияси мактаб шароитида юқори босқичга олиб чиқилиши, аввало, оналарнинг оғирини енгил қилишини ҳисобга олсак, маҳалла аёлининг бугунига ҳавас билан қарамасликнинг иложи йўқ.

Ҳа, 298-умумтаълим мактаби маҳалланинг кўкрагига қадалган нишон бўлибди, десак, хато бўлмайди. Мактаб биносининг ичини ҳайрат билан кузатар эканмиз, биз ҳам шундай мактабларда ўқиганимиздамиди, деган ўй ўтди хаёлимиздан. Мактаб директори Наргизахоннинг яшаб турган уйини сотиш эвазига ўғлига жигарини кўчиртирган она ҳақидаги ҳикоясини тинглаб эса кўзимиздан ёшимизни тия олмадик. Хаста аёли ва ночор шароитда қолган икки фарзандидан воз кечган ота ўрнида ота бўлиб, шаҳарнинг бошқа бурчагига кўчиб кетган ўқувчиларининг дарди билан яшаган ҳазрати инсонни учратдик биз. Уйсиз қолган она-болалар Яшнобод туманидаги бувисининг уйига кўчган. Болалар йўл узоқлигидан, табиийки, дарс қолдира бошлаган. Наргизахон ўқувчиларининг кетига тушиб, аҳволни ўргангач, болаларнинг ўқишини кўчириш учун улар яшайдиган маҳалладаги мактаб директорига шахсан бориб учрашади. Ўзи ҳам бир мактабнинг раҳбари бўла туриб, ўша директорни шу ўқувчисини қабул қилишга кўндира олмайди. Яшнободдан Олмазорга етиб келгунча болалар учта транспортда қатнаган. Наргиза Тошхўжаева уларнинг дарс қолдирмаслиги учун ойлик иш ҳақидан ўқув йили якунига қадар етти ой давомида йўлкира харажатларининг кунлигини кунлик берибди.

...Маҳалладан қайтар эканмиз, академик шоир Ғафур Ғуломнинг:

Азиз асримизнинг азиз онлари
Азиз одамлардан
сўрайди қадрин.

деган сатрлари бот-бот хаёлимизда такрорланди. Зеро, давлат раҳбарининг ташаббуси билан “инсон-жамият-давлат” тамойилининг амалдаги исботини ўз кўзларимиз билан кўрмоқдамиз, қулоқларимиз билан эшитмоқдамиз. Чустий номли маҳалласининг фаровон ҳаёти, одамижон инсонлари эса буни яна бир карра тасдиқлади.

Муҳайё ПИРНАФАСОВА.

1-б.

ЭНГ ЗЎР БАЙРАМ

ёхуд журналистика соҳасини танлаган ёшларга дилимдаги гаплар

Кейинроқ билдимки, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетида бизга таҳсил берган Очил Тоғаев, Расул Муҳаммадиев, Бегали Қосимов, Лазиз Қаюмов, Мухтор Худойқулов, Тоҳир Пидаев каби қатор устозларимиз газета ўқишга, унинг материалларини таҳлил қилишга ва албатта, ўқиганларимиздан хулоса чиқариб олишга меҳр уйғотган эканлар. Бу меҳр кўпчилик курсдошларим қатори мени ҳам бугунга қадар газеталарни (бадиий адабиётлардан ташқари) мунтазам ўқиб боришга, ўрганишга, изланишга, ёзишдан тўхтамасликка ундаб келаётганлиги билан фахрланаман. Ана шундай меҳрни онгу шууримга сингдирган устозларимни ҳамиша ҳурмат билан ёдга оламан, асарларини ўқиганимда, жойлари жаннатда бўлсин, деб дуо қиламан.

Буни қарангки, ўтган асрнинг 80-90-йиллари нафақат газета ва журналларнинг, балки телевидение ва радионинг ҳам савияси жуда баланд эди. Халқимиз газета ва журналларни қанчалик меҳр билан ўқиса, телекўрсатувларни ҳам шунчалик қизиқиш билан томоша қилар, радиоэшиттиришларни ҳам берилиб тингларди. Бу қутлуғ даргоҳларда ишлайдиган ижодкорларни чин дилдан ҳурмат қилар ва қадрлар эди. Ўша пайтларда Ўзбекистон телевидениесининг техник имкониятлари ерда бўлса, ижодий маҳсулотлари осмонда юлдузлар мисол чарақлаб, миллионлаб томошабинларни ўзига маҳлиё этиб турарди. Бугун бу катта даргоҳнинг техник имкониятлари осмонда, ижодий маҳсулотлари эса... Бугун унга ҳавас қиладиган миллион-миллион томошабин қаерда? Бундай фикрни ўз вақтида машҳур бўлган “Тошкент оқшоми” сингари бир қатор газеталаримиз мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Иқтисодий танглик туфайли аллақачон ўз фаолиятига нуқта қўйган кўпгина шаҳар ва туман газеталари ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Хўш, азал-азалдан тарғиботчи, ташкилотчи, илҳомлантирувчи, зиё улашувчи, тарбия қилувчи ва ҳимоячи вазифаларини шараф билан бажариб келган оммавий ахборот воситалари янада юксалиш ўрнига нега орқага кета бошлади? Нега кўпгина газеталаримизнинг адади ҳатто 1500 та ҳам эмас? Нега одамлар аввалгидек у ёки бу газетани изламай қолдилар? Умуман, бугун халқимизнинг неча фоизи газета ўқияпти? Қайси газеталар энг кўп ўқилаяпти деб айта оламиз? Қайси нашрларимиз давлат билан жамият ўртасида мустаҳкам кўприк сифатида мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этишда жасорат кўрсатиб ишлаяпти? Нега “Hurriyat” ва “Жамият” каби ўктам газеталаримизда босилаётган долзарб мавзулардаги танқидий мақолаларга соҳа раҳбарлари ўз муносабатларини билдирмаяпти-лар? Бу нафақат уларнинг, улар раҳбарлик қилаётган ташкилот матбуот котиблари ҳам газета ўқимаслигининг исботи эмасми? Бир вақтлар пойтахт Тошкентнинг ҳар бир хонадонига кириб борган “Тошкент оқшоми” газетасининг 500 нусхада номигагина чиқаётганлигини шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари қандай изоҳлар эканлар? Оламаро машҳур бўлган шундай катта шаҳарга ярашадиган ишми бу? Менимча, улар “Постда” газетасини эллик мингдан зиёд нусхада чоп этаётган Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигидан ибрат олсалар, кони савоб бўлур эди.

Тўғри, бугун интернет замони, ижтимоий тармоқлар гуркираб ривожланган. Бир қараганда, ҳамма гап, бор ҳақиқатлар — шу ерда. Чунки дарди, муаммоси борларга ҳам, шунчаки ишининг тайини йўқ “зерикканлар” учун ҳам минбар таппа-тайёр! Қўлингдаги шапалоқдек телефонни ол-у, хаёлингга нима келса, ёзавер! Ҳатто видеомурожаатлар ҳам қилишинг чўт эмас. Аммо, лекин, бироқ... Булар ҳали ҳақиқий матбуот дегани ҳам эмас! Бежизга ўзини ҳурмат қилган, ўзини таниган одам матбуотга мурожаат қилмайди.

Лекин бугунги матбуот ана шундай ҳақиқийликка, эл-юрт ишонадиган, таянадиган минбарга айланиши бу энди бошқа масала. Очиқ айтганда, шундай масалаки, ОАВ вакиллари холис ва ҳаққонийликда, жасорат ва жўмардликда ўзларини кўрсатадиган вақт келди. Ахир сўз ва матбуот эркинлиги берилган бўлса, мамлакат раҳбари — Ўзбекистон Президенти журналистларни қўллаб-қувватлаётган, ғамхўрлик кўрсатаётган бўлса, яна ёниб ижод қилиш учун, одамлар орасига кириб, уларнинг дарду ташвишларига шерик бўлиш учун яна нима керак?!

Албатта, фидойилик, жасорат ва ўз касбига чуқур меҳр керак!

Хаёлимда ана шундай ўйлар чарх уриб турганда, фикр билдиришимни сўраб, талабамнинг телефонимга йўллаган икки-уч материали келиб қолди. Дарҳол ўқидим. Улар мақоладан кўра, кўпроқ митти адабий лавҳаларга ўхшарди. Талабамнинг ижодий ишига фикримни билдириб, таклифларимни юборгач, ҳадемай дипломли бўладиган бўлажак журналистларимизнинг матбуотдаги иштироки сустлигининг сабабларига жавоб излашга уринаман. Юқори босқич талабаларининг газета, телевидение ва радио таҳририятларида амалиёт жараёнида нималарни ўрганганликлари ҳақида сўраганимда, ҳеч қайси бирларидан ижобий жавоб эшитмадим. Бўлажак журналистлар қаламини кўпроқ нуфузли газета ва журналларимиз таҳририятларида қайраганлари дуруст деб ўйлайман. Чунки журналист чуқур фикрлашни, қаламни чархлашни айнан босма нашрларда кўпроқ олади. Бунга бутун дунё журналистика мактаби, тарихи мисол бўла олади. Йўқса, акс ҳолда, журналистиканинг қаттиқ нони ҳар қандай ёш ижодкорнинг тишларини “синдириб” қўйиши мумкин.

Ёдимдан чиқмайди. Бундан йигирма-йигирма беш йиллар муқаддам пахта билан ғалла масаласи шўролар давридагидек хўжалик раҳбарларигагина эмас, лавозим курсисида ўтирган борки, биронтасига тиним бермас эди. Айниқса, республика, вилоят ва туманларнинг кўпчилик раҳбарлари ҳамон тоталитар тузум сиёсати руҳи билан ғўдайиб юрар, унинг қамчисини улоқтириб юборгиси келмасди. Пахта ва ғалла етиштирувчиларга бош бўлганлар қандай бўлмасин, давлатга шартномада кўрсатилган ҳажмдаги маҳсулотни топшириши шарт эди. Шу боис ҳосилдорлиги паст бўлган хўжаликлар раҳбарлари азбаройи қамалиб кетмаслик учун қандай бўлмасин, пахта ёки ғалла сотиб олиб, режасини бажарарди. Бажармаганлари тегишли жазодан қочиб қутулолмасди.

Яхши эслайман, вилоят давлатга пахта сотиш йиллик режасини бажаришига бор-йўғи уч фоиз қолган. Етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма пахта даласида. Афсуски, далалар аллақачон бўшаб бўлган, ғўзапояларда йилт этган тола кўринмайди. Талабалар эртадан-кечгача далама-дала юриб, уч-беш кило пахта терар, унинг ҳам ярмидан кўпи хашак бўларди. Ана шундай кунларнинг бирида тун ярмидан оққанда вилоят раҳбари мени ҳузурига чорлади. Кирдим. Қовоқларидан қор ёғиб турган каттакон сўради:

— Ректорларингиз қаерда?

— Пахтада!

— Нега терим суръати кундан-кунга тушиб кетаяпти?

— Чўл ҳудудида умуман пахта қолмаган, — дедим қатъий қилиб. — Йилт этган тола йўқ. Уларни пахтаси бор туманга кўчирган маъқул.

— Менга баҳона керак эмас, тушунаяпсизми, тонна керак, тонна! Қум торттирадими, тош торттирадими, тонна бўлсин!..

Бу гаплар менга сира-сира ботмас, журналист бўлганим учунми, нафратимни қўзғар, аммо аламимни ичга ютишдан ўзга иложим йўқ эди. Чунки ўша кезлардаги хизмат вазифам шуни тақозо этарди. Вилоят ва туманларнинг асосий вазифаси давлатга ғалла ва пахта сотиш режасини ошириб бажариш бўлгани учун раҳбарлар ҳеч нарсадан тап тортмас, хўжалик раҳбаридан тортиб, пахта заводи директоригача қўшиб ёзишга мажбур қиларди. Бундан бохабар бўлган тегишли идоралар лом-мим демас, чунки пахта учун улар ҳам жавоб берарди. Ким яхши, ғалла билан пахта режасини бажарган туман раҳбари яхши эди. Кейинроқ бу қинғир ишлар бошқа соҳаларда ҳам қулоч ёзди. Натижада давлат мол-мулки ва ерини талон-торож қилиш, ҳатто ҳосилдор пахта майдонларини бўлиб-бўлиб сотиш пойгаси бошланди. Шу боис юзлаб корхоналар ерга кирдими, осмонга учиб кетдими, йўқ бўлди. Коррупция авж олди. Уялмай-нетмай, диёнатсизларча алдаш ва ёлғон гапириш оддий ҳол бўлиб қолди. Мен бу мисолларни нега келтирдим? Чунки буларнинг ҳаммаси қонунга, халқ ва давлат манфаатларига мутлақо зид бўлиб, бориб турган жиноят эди. Афсуски, ўша пайтда буларни фош қиладиган журналистлар вилоятда ҳам, пойтахтда ҳам кўп эмас эди. Борлари ҳам журъат этишолмасди. Не-не оғир кунларни, не-не жабру жафоларни кўрган, сабр-тоқатли бағри кенг халқимиз эса ҳаммасини кўриб-билиб турса-да, “Ўзимдан чиққан балога, қайга борай давога?” дея қора қозони қайнаб турганига шукур қилганча тилини тишлаб ўтираверди. Биз бугун дунё билан мулоқот қилаяпмиз, дунё билан ҳамкорлик ришталарини боғлаяпмиз. Халқимиз ва давлатимизнинг тинчлиги, фаровонлиги барқарор бўлиши учун янги ғоялар, эзгу мақсадлар билан яшаяпмиз. Демакки, жамиятимизда адолат ва ҳалоллик тамойиллари ҳар қадамда бўй кўрсатиб турмоғи лозим. Бу эса бизнинг ҳар биримиздан фидойиликни, ташаббускорлик ва тадбиркорликни, адолат учун курашишни талаб этади. Бўлажак журналистлар ўтмишдан хулоса чиқариб, ҳаётнинг ичига чуқурроқ кириб бориб, айтиб ўтилган муаммолар ҳақида ўткир таҳлилий мақолалар ёзсалар, нур устига нур бўлур эди. Бу ўзидан-ўзи бўлмайди. “Жон чекмасанг жонона қайда, тоққа чиқмасанг дўлона қайда?” деганларидек, ҳақиқий журналист бўлмоқчиман деган талаба мобил телефонини бир четга қўйиб, Абдулла Қодирийдан Фитратгача, Абдулла Қаҳҳордан Ўткир Ҳошимовгача бўлган таниқли журналист ва адибларимиз публицистикасини қайта-қайта ўқиши, мағзини чақиб, моҳиятини тушуниб олиши, ўзини таҳлил ва таҳрирга ўргатиши керак. Ҳақиқий журналист бўлишни мақсад қилган талаба кузатувчан, синчков, янгиликни ҳаммадан олдин илғайдиган, ўз фикрини ҳимоя қила оладиган, журъатли ва қатъиятли, замон билан ҳамнафас қадам ташламоғи шарт. Ҳақиқий журналист бўламан деган талаба тилга алоҳида эътибор бериши, ҳар бир сўзни ўрнида ишлатишни билиши, ҳар куни нимадир ёзиши, уни қайта-қайта ишлаши, сайқал бериши, ўз ишидан ғурурланиб кетмаслиги, билдирилган таклифлардан ранжимаслиги, аксинча, хурсанд бўлиши лозим. Айни пайтда тилга тушган газета ва журналларни танқидий кўз билан ўқишни одат қилиши, ўз йўлини топиши учун изланишдан тўхтамаслиги, танқид эшитганда кўнгли ҳам, қўли ҳам совимай, буюк адибимиз Саид Аҳмаддек қаламни тиндирмаслиги керак!

Давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаб, ёрдамини аямаётган бир пайтда бўлажак журналистларимиз “биз ҳали талабамиз” деб, қўл қовуштириб ўтирмай, ҳаёт қозонида биқирлаб қайнашлари, яратиш ва яшнатиш ишқи билан ёниб яшашлари давр талаби эканлигини унутмасликлари, ўзбек миллий журналистикасининг янги-янги саҳифаларини битиш учун яна бир бор айтаманки, ўқиш ва ўрганишни ўзлари учун байрам деб билишлари керак!

* * *

...Худога шукур, тунов куни касалхонадан чиқдим. Қадрдон уйимга киришим билан стол устида тахлаб қўйилган бир қучоқ газетага кўзим тушиб қувониб кетдим. Бу менинг почтада йиғилиб қолган бир ойлик газеталарим: “Янги Ўзбекистон”, “Халқ сўзи”, “Hurriyat”, “Жамият”, “Аргументы и факты”, “Миллий тикланиш” ва “XXI аср”, шунингдек, “Тафаккур”, “Шарқ юлдузи”, “Жаҳон адабиёти” журналлари эди. Нафасимни ростлаб олгач, ўғлимга раҳмат айтиб, ўзим ҳам мутолаа байрамини бошлаб юбордим. Чунки мутолаа мен учун — энг зўр байрам!

Нуриддин ОЧИЛОВ,
Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультети ўқитувчиси.

УЮШМА ФАОЛИЯТИДАН

ИККИ ВИЛОЯТ ЖУРНАЛИСТЛАРИНИ ЖАМЛАГАН АНЖУМАН

Мамлакатимизда медиа соҳани ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш, журналистларнинг касбий маҳоратини ошириш, уларнинг ўзаро мулоқот қилиши, тажриба алмашиши, мавжуд муаммоларга биргаликда ечим топиши, долзарб мавзуларни муҳокама қилишига имконият яратиб бериш, ахборот тарқатишда холислик ва ҳаққонийлик принципларига риоя этилишини таъминлаш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси ва уюшманинг Қашқадарё вилояти бўлими ҳамкорлигида “Миллий медиа маконда анъана ва замонавийлик: ютуқлар, муаммолар ва ечимлар” мавзусида ташкил этилган минтақавий конференцияда ҳам юқоридаги масалаларга эътибор қаратилди.

Деҳқонобод калий заводи мажлислар залида ўтказилган минтақавий анжуманда Қашқадарё вилоятида фаолият юритаётган ОАВ ходимлари, интернет нашрлари муҳаррирлари, блогерлар, маҳаллий ҳокимлик, идора ва ташкилотларнинг ахборот хизмати раҳбарлари, Сурхондарё вилоятидан келган журналистлар қатнашди.

Тадбирни Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қашқадарё вилояти бўлими раиси Галавиддин Юлдашов олиб борди.

Минтақавий конференцияда Деҳқонобод тумани ҳокимининг ўринбосари Баҳодир Омонов ҳамда “Деҳқонобод калий заводи” АЖ бошқарув раиси в.б. Тўлқин Зарипов иштирок этди ва конференция ишига муваффақият тилади.

Минтақавий конференцияда сўзга чиққан Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси раиси в.б. Холмурод Салимов Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида юртимизда медиа соҳа ривожи йўлида амалга оширилаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди, бугунги анжуманнинг мақсади, ҳозирги даврда ОАВ, журналистлар олдида турган муҳим вазифалар, соҳадаги ютуқ ва муаммолар хусусида атрофлича сўз юритди.

Анжуманда уюшманинг Сурхондарё вилояти бўлими раиси Муҳиддин Абдураҳмоновнинг “Бугунги давр ва журналистика”, Қашқадарёдаги “Навқирон” газетаси бош муҳаррири Қурсия Кўлдошеванинг “Босма нашрларда шаклланган анъаналар — замонавий журналистиканинг асоси” мавзусидаги маърузалари тингланди.

Конференция иштирокчилари миллий медиа макондаги ривожланиш тенденциялари, даврий босма нашрларда шаклланган маҳорат мактаблари, замонавий журналистиканинг муҳим вазифалари, интернет нашрларининг жамият ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти сингари муҳим масалаларни муҳокама қилишди.

Мулоқот жараёнида Касби тумани “Садоқат” газетаси мухбири Бахтиёр Ражабов, фахрий журналист Дилбар Кенжаева ва бошқалар мавзу юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Конференция якунида Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзолигига қабул қилинган бир гуруҳ журналистларга аъзолик гувоҳномалари тақдим этилди.

Шунингдек, ўзининг юбилей ёшини нишонлаган фахрийлар ҳамда матбуот соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшиб келаётган устоз журналистларга Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг фахрий ёрлиқ ва совғалари тантанали равишда топширилди.

ҚАШҚАДАРЁЛИК УСТОЗ ЖУРНАЛИСТЛАР ХОНАДОНИДА

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси вакиллари матбуот соҳасида узоқ йиллар самарали меҳнат қилган, кўплаб ёшларга соҳа сир-асрорларини ўргатган, айни кунда кексалик гаштини сураётган қашқадарёлик устоз журналистлар Маҳмуд Пирматов ва Ортиқ Жўраев хонадонида бўлди.

Етмиш саккиз ёшни қарши олган Маҳмуд Пирматов 1967 йили Самарқанд давлат университети филология факультетини қизил диплом билан тамомлаган. Узоқ йиллар давомида “Қашқадарё” (собиқ “Қашқадарё ҳақиқати”) газетаси таҳририятида фаолият олиб борган. Шунингдек, “Адолат кучи”, “Баркамол авлод”, “Жамият”, “Воҳа” газеталарида турли лавозимларда фаолият юритган. Устознинг “Бўлгай оламда” (1993), “Уйғоқ лаҳзалар” (1994) шеърий тўпламлари, “Жайҳун мавжлари” (1992), “Бунёдкор инсон”, “Саодат соҳили” (2010), “Кўнгил баҳори” (2015) сайланмаси, “Тўмарис. Спитамен” (2015), “Соҳибқирон” (2017) тарихий-таҳлилий достонлари сингари ўндан зиёд китоблари чоп этилган.

— Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев матбуот ва сўз эркинлигини таъминлаш, оммавий ахборот воситалари фаолиятини такомиллаштириш, соҳа вакилларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратаётганидан ғоят миннатдормиз, – дейди устоз журналист Маҳмуд Пирматов. – Журналистларимиз бу имкониятдан унумли фойдаланиб, ўткир танқидий материаллар, фельетонлар ёзиб, жамиятимиз ривожига тўсиқ бўлаётган муаммоларни таҳлил қилиш орқали уларга ечим топиш йўлларини излашса, зиммаларидаги масъулиятли вазифани шараф билан уддалаган бўлишарди. Бугунги ёшларимизда бундай салоҳият етарли. Биз, кексалар эса уларга бажонидил йўл-йўриқ кўрсатишга, маслаҳат беришга тайёрмиз.

Ғузорлик фахрий журналист Ортиқ Жўраев ҳам Қашқадарёда матбуот соҳаси ривожига муносиб ҳисса қўшган устозлардан. У киши узоқ йиллар давомида “Ғузор ҳаёти” (собиқ “Янги ҳаёт”) газетасида мухбирликдан муҳаррирликкача турли лавозимларда ишлаган. Шунингдек, Қашқадарё вилояти Маънавият ва маърифат маркази, “Олтин мерос” хайрия жамғармасининг вилоят бўлими, “Насаф”, “Завқли қалам” нашриётларида ҳам фаолият юритган. Айни кунда устоз 83 ёшда бўлишига қарамай, ҳалигача шогирдларига журналистика соҳаси бўйича ўз маслаҳатларини, тавсияларини беришдан чарчамайди.

“ЁШ ЖУРНАЛИСТЛАР КЛУБИ”НИНГ НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТИ

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Қорақалпоғистон бўлими томонидан Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетида “Ёш журналистлар клуби”нинг навбатдаги машғулоти “Репортаж тайёрлашнинг муҳим жиҳатлари” мавзусида ўтказилди. Уни “Ёш журналистлар клуби” раҳбари, филология фанлари номзоди, доцент Зияда Қожиқбаева олиб борди.

Машғулотда иштирок этган “Қорақалпоғистон” телеканали “Ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий дастурлари” бош муҳарририяти бош муҳаррир ўринбосари Умит Абдижамилова телевидение журналистлари томонидан тайёрланаётган кўрсатувларнинг савияси, халқ билан мулоқотда бўлиш ва ижтимоий муаммоларнинг ечимини топишда ОАВ роли хусусида сўз юритиб, телевидениеда кўрсатувлар ва репортажлар тайёрлаш жараёнлари, телевидениенинг бошқа оммавий ахборот воситаларидан фарқланадиган ўзига хос жиҳатлари, ходимларга яратилган шарт-шароитлар, бўлажак журналистлар билан ҳамкорлик борасидаги амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

“Ёш журналистлар клуби” аъзолари машғулот давомида телерепортаж ва кўрсатув тайёрлашда нималарга аҳамият қаратилиши зарурлиги юзасида саволларига батафсил жавоб олишди.

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Ахборот хизмати.

ҲАМКАСБ

Ҳар қандай инсон умри унинг савобли амаллари, эзгу ишлари билан безакли ва файзли кечади. Ана шундай фазилатли умр соҳибларидан бири, ҳаётида кўплаб ёшларга устозлик қилган, журналистикадек машаққатли ва савобли соҳада ўзига хос из қолдирган, бугунги кунда қутлуғ ёшда бўлишига қарамай, ҳамиша жонсарак ва фидойи устоз Абдусамад Исоқов ҳақида дил сўзларимизни айтишни истадик.

Абдусамад Исоқов Ўзбекистон радиосига жуда ёшлигида келган. Дастлаб, кичик муҳаррир бўлиб ишлади ва дорилфунунда журналистика назариясидан сабоқ олди. Касбга бўлган эътиқоди, тиришқоқлиги, ишга масъулият билан ёндашиши туфайли амал пиллапояларидан тез кўтарилди. Орадан кўп ўтмай муҳаррир, катта муҳаррир, бўлим бошлиғи, бош муҳаррир лавозимларига муносиб кўрилди. Раҳбарият устознинг иқтидорини инобатга олиб, Ўзбекистон радиосининг дастурлар дирекцияси, сўнг ҳудудий телерадиолар билан ишлаш бош бошқармасининг бошлиғи қилиб тайинлади.

Устознинг ўгитлари

Устоз радио ва телевидениеда эллик йилга яқин фаолият олиб бориб, қўлидаги қалами-ю дадил қадамлари билан ўчмас из қолдирди ва ҳануз ижод боғларида баракали сайр қилмоқда.

Абдусамад Исоқов ташаббускорлик бобида, айниқса, ибратли ишларни амалга оширди. Ўзбекистон радиосида “Тошкент шаҳри ва вилояти меҳнаткашлари учун эшиттиришлар” бош таҳририяти, “Саноат” бўлимини бош таҳририятга айлантириш, “Ахборот” таҳририяти тизимида “Халқаро ҳаёт” бўлими, миллий телерадиокомпания қошида “Ходимлар малакасини ошириш маркази”ини ташкил этишда бош-қош бўлганликларини биз тенгқур касбдошлар жуда яхши биламиз. Айниқса, мустақиллигимизнинг дастлабки йиллари бошқарма бошлиғи бўлиб, вилоятларда янги телестудиялар ташкил этишда тиним билмай ишлади. Бухоро, Қашқадарё, Жиззах, Навоий, Сирдарё вилоятларида йўқ жойдан бор қилиб телестудиялар очишнинг ўзи бўлмаслигини ўша даврни кўрганлар яхши англашади.

Ўзбекистон радиосида “Табассум” кўнгилочар дастури, “Қармоқ” танқидий эшиттириши қаторида устоз “Саноат” таҳририяти ҳамда “Сўнгги ахборот” бош таҳририятида “Сўнгги ахборот” танқид қилади”, “Оқшом тўлқинларида” номли ахборот-мусиқий эшиттиришлар ташкил этиб, чақмоқдай чарақлаб майдонга чиққан эди. Митти фельетон ва ўткир тиғли танқидий эшиттиришларда ўша даврларда иқтисодиётимизга тўғоноқ бўлаётган олғир порахўрлар, таъмагирлар, маҳаллийчилик қилаётган идора ва ташкилотлар раҳбарлари, елвизак-феълу суваракмижоз кишиларнинг ҳаракатлари шафқатсизларча танқид қилинарди.

Абдусамад Исоқов томонидан тайёрланиб, эфирга узатилган “Ўзбекистон ишчиси”, “Оқшом тўлқинларида”, “Сиёсий шарҳловчилар даврасида”, телевидениеда “Диёр”, “Ҳазрати инсон”, “Мувозанат”, “Истиқлолим-истиқболим” сингари муаллифлик кўрсатувлари ҳозир ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган, десак, янглишмаймиз.

Абдусамад ака кексалик гаштини сурадиган ёшда ҳам ижод уммонида сузмоқда. “Мен ишчиман” очерклар тўплами, “Журналистнинг завқли ва машаққатли ҳаёт йўли”, “Эзгулик изламоқ”, “Шарҳловчилик бешигини тебратганлар”, “Маҳаллам — фахрим, ифтихорим” (қизлари Наргиза Исоқова билан ҳамкорликда) сингари китоблари ўқувчилар томонидан қизиқиш билан кутиб олинган.

Радио ва телевидение соҳасида бой тажрибага эга бўлган Абдусамад ака Исоқов ҳеч қачон шогирдларидан қимматли маслаҳатларини аямайди. Улар билан ҳамсуҳбат бўлганида, доим: “Вақт ғанимат. Сизлар ҳам шунча йил ишлаб, устоз мақомига эришяпсизлар. Телевидение ва радио соҳасида орттирган тажрибаларингиз ва хотираларингизни ҳозирдан тўплаб, китоб қилишга киришсангиз, бўлғуси ҳамкасбларимизга нафи тегарди, улар тарихимиздан воқиф бўлишар эди”, дея шогирдлари қалбида ижод уруғини жонлантиради.

“Журналист ҳаётда содир бўлаётган барча воқеа-ҳодисалардан бохабар бўлмоғи, ёзажак объекти —ташкилотми, корхонами ёки қаҳрамонини ҳам яхши билмоғи, сўнг қўлига қалам олмоғи, микрофон тутмоғи даркор. Яна бир маслаҳатим: танқид бировдан ўч олиш учун эмас, балки ҳақиқатни улуғлаб, халққа ҳалол хизмат қилиш учун ёзилиши керак. Шунингдек, нимани ёзиш кераг-у, нимани ёзмаслик маъқуллигини эсдан чиқармаслигимиз лозим”, деб таъкидлайди.

Устознинг машаққатли ижод йўли, қимматли панд-насиҳатлари журналистикага энди қадам қўяётган ёшлар учун ибратлидир.

Қобилбек КАРИМБЕКОВ,
Комилжон КАРИМЖОНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар,
Азимжон ПЎЛАТОВ,
Халқаро “Олтин қалам” мукофоти соҳиби.

АНЖУМАН

ИСЛОМ ЦИВИЛИЗАЦИЯСИ МАРКАЗИ:

САРҲИСОБ ВА РЕЖАЛАР

Миллий матбуот марказида Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказининг 2023 йил Давлат дастури ижроси борасида амалга оширган ишлари ҳамда истиқболдаги режалари юзасидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда Ислом цивилизацияси маркази директори Шоазим Миноваров мазкур марказнинг 2023 йилдаги фаолияти ва келгусидаги режалари ҳақида батафсил маълумот берди.

Таъкидланганидек, 2023 йил давомида барча фаолият йўналишлари бўйича самарали ишлар амалга оширилди. Бугунги кунда марказнинг қурилиш ишлари 80 фоизга бажарилган. Марказ биноси, музей ва кутубхонасини шакллантириш бўйича 100 га яқин олим-мутахассислардан иборат ишчи гуруҳлар фаолияти йўлга қўйилди.

Музей экспозицияси лойиҳасида назарда тутилган жами 814 та экспонат, макет ва муляждан 301 та экспонат тайёрланди. Шунингдек, 162 та медиа маҳсулотдан 9 та медиа маҳсулот марказ фондига қабул қилинди, 11 та медиа маҳсулотга буюртма берилди. Республика музей ва кутубхона фондларидан марказ фондига доимий фойдаланиш учун олинадиган 479 та экспонатнинг рўйхати шакллантирилди.

Марказ музейининг “Янги Ўзбекистон – Учинчи Ренессанс” бўлими концепцияси асосида 40 та мавзудан иборат экспозиция лойиҳаси ва унинг 3D кўриниши яратилди.

Қуръон залида фойдаланиш учун Қуръони каримнинг 28 та қадимий ва нодир қўлёзмасидан иборат коллекция шакллантирилди.

2023 йилда Музей ва экспонатлар илмий бўлими ходимлари Малайзия Ислом санъати музейида ташкил қилинган музей бошқаруви, доимий ва вақтинчалик кўргазмаларни ташкил этиш, тарихий ҳужжат, қўлёзма ва тошбосма асарлар ҳамда экспонатларни консервация-реставрация қилиш йўналишларида илмий-амалий ва услубий тренингда иштирок этди.

Марказнинг кутубхона ва архив фондида жами 560 минг 859 та манба сақланмоқда. Улар – 2 минг 37 дона қўлёзма, тошбосма китоблар ва тарихий ҳужжатлар, 26 минг 648 дона замонавий нашрлар ва 532 минг 174 та электрон ресурсдан иборат.

Республика фондларидаги 52 минг 255 та қадимий ёзма манбаларнинг маълумотлар базаси яратилди, 7 мингта ёзма манбанинг реестри (паспорти) тайёрланди. Давлат реестрига киритилган 125 та ёзма манба рақамлаштирилди.

Бугунги кунда Ислом цивилизацияси марказида 1 нафар академик, 5 нафар фан доктори (Dsc), 11 нафар фалсафа доктори (PhD), 21 нафар магистр фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан республика ва хорижий нашрларда юзга яқин мақола эълон қилинди. Бу борадаги барча эзгу ишлар халқимизни буюк аждодларимиз меросидан баҳраманд этиш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш, маърифий қадриятларимизни кўз қорачиғидек асрашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Анжуман давомида ОАВ вакиллари томонидан берилган саволларга жавоб берилди.

Н.УСМОНОВА.

ДИҚҚАТ, ЭЪЛОН!

Қадрли тарихчи олимлар ва журналистлар!

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими 2024 йил 3 апрель куни “Садои Фарғона” газетасининг миллий матбуот тараққиёти ва жадидчилик ҳаракатидаги ўрни” мавзуида илмий-амалий конференция ўтказади.

Мақола, маруза матнлари 2024 йил 1 мартга қадар қабул қилинади ва илмий кенгаш тавсиясига асосан тўпламга киритилиб, чоп этилади.

Маърузачи иштирокчиларнинг Фарғонага сафар харажатлари тўлиқ қопланади.

Конференцияда иштирок этишни истаганлар 90-405-77-86 рақамли телеграм орқали 2024 йил 15 январга қадар иловадаги тартибда рўйхатдан ўтиши сўралади.

Конференция иштирокчиларини рўйхатга олиш тартиби

Исми, фамилияси	*Лавозим ва илмий унвони*	*Маруза мавзуси*	*Телефони*

Телефон: 73-226-51-92, 90-405-77-86
Телеграм: 90-405-77-86

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Фарғона вилоят бўлими.

АДАБИЙ ТАЛҚИН

“БОБУРНОМА”ДА ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО

“Бобурнома”ни кўпчилик томонидан мемуар асар дейиш одат тусига кирган. Яъни, мемуар дейилганда, муаллифнинг кўрган-кечирганлари, эсдаликларини қаламга олиш назарда тутилади. Бу асар шунчалик кўп қирра ва элементларга эгаки, “Бобурнома”ни бугунги кунда биронта замонавий проза жанрларининг номи билан тўғридан-тўғри атаб бўлмайди. Бу борада унинг жанр ва тури, йўналишини белгилашда адабиётшунос, тарихшунос олимларнинг фикри ҳам ҳар хил. Жумладан, адабиётшунос олим Ҳамиджон Ҳомидий ўзининг “Асримизгача насримиз” номли рисоласида “Бобурнома”ни тарихий-ёднома дея атаган. Адабиётшунос Ҳасан Қудратуллаев эса бу асарни бадиий-воқеий-илмий саргузашт китоб сифатида талқин этади. Олима Марғуба Абдуллаева талқинида “Бобурнома” бадиийлашган тарихий-мемуар асардир.

Айтиш жоизки, мазкур асар юзасидан филология фанлари бўйича фалсафа докторлиги тадқиқотимни олиб бораётган йилларимда “Бобурнома”нинг замонавий роман жанрига хос бўлган бир қанча элементлари борлигини ўзим учун кашф этган эдим. Албатта, муаллиф Ғарб адабиётининг беш асрдан кейин оммалашиб ўқиладиган бундай жанридан хабардор бўлмаган. Бироқ унинг истеъдод кўлами шунчалар кенг бўлганки, ҳикоя қилиш услубининг тиниқлиги, воқеликларнинг баёни ва тасвирлашнинг тизимли экани бундан кейин ҳам унга берилаётган эътибор қувватининг ошиб боришига замин ҳозирлайверади.

“Бобурнома”ни мутолаа қилиш мобайнида отаси Умаршайх мирзо вафотидан сўнг ўн икки ёшли Бобур ҳаётининг ҳар бир лаҳзаси таҳликада, хавф-хатарда ўтганига гувоҳ бўламиз. Сертаҳлика ҳаётнинг тасвирланишида Бобур ўз давридаги тарихчилардан мутлақо фарқ қилган ҳолда воқеани реал ва равон услуб билан ҳикоя қилар эди. Унга нисбатан пинҳона ҳозирланган жиноятлар, махфий тузилмалар-у қарши тўдаларнинг таъсир доираси йилдан-йилга янгиланиб борар эди. Бобур мана шундай яширин кучлар таъсирига қарши доимий курашар, лекин кўпинча атрофидаги энг содиқ дўстлари унга панд берар эди. Хиёнатлар гирдобида қолган Бобур мана шу каби драматик ҳолатларни бирма-бир баён қилар экан, бир зум китобхонни ўзидан узоқлаштирмайди.

Асарда Бобур мақсадлари атрофида зиддиятли кучларнинг кўп бўлгани ва унинг сўзлаб берилишида детектив унсурлар ҳам учрайдики, бу ҳам муаллифнинг маҳорати ўткир бўлганидан далолат беради. Бобурнинг отаси Умаршайх мирзо вафот этган кунданоқ унинг серташвиш дақиқалари бошланган лавҳа қуйидагича сўзланади: *“Умаршайх мирзоға бу воқеа даст берганда, мен Андижонда чаҳорбоғда эдим. сешанба куни, рамазон ойининг бешида бу хабар Андижонға келди. Изтироб била отланиб, қошимдаги навкар ва савдар била кўрғон азимати қилдим. Мирзо дарвозасиға етган маҳалда Ширим тағойи жиловимни олиб, Намозгоҳ сори тебради. Хаёлиға бу кечибтурким, Султон Аҳмад мирзо улуғ подшоҳдур, қалин черик била келса, беклар мени ва вилоятни топшурғуларидур. Мени Ўзганд ва Олатоғ доманаси сори олиб борғай. Агар вилоятни берсалар, мен бори иликка тушмай, тағойиларим Олачахонға ё Султон Маҳмудхонға борғаймен”* (“Бобурнома”, 42-бет). Ана шу синовлар гирдобидан ёш Бобурнинг бувиси Эсон Давлат бегим ва шаҳар қозиси Хожа Мавлонойи қозилар ҳамжиҳатлигида чиқиб кетилган эди.

Кейинчалик ёш ҳукмдорнинг қалбида Амир Темур давлатини қайтадан марказлаштириш ва бобоси каби адолатли бошқарувни ўрнатиш орзулари жўш уради. Бобур китобда бу улкан орзусини “Самарқанд хаёли” деб атайди. Афсуски, ҳали тажрибаси пишиб етилмаган Бобурнинг Самарқандни эгаллагандан кейинги ҳаракатлари иш бермайди. Атрофдаги бекликлар ва қўрғонларнинг унга бўйсуниши, тан олиши қийин кечади. Ёш вужудига хасталик ҳужум қилади, оқибатда у нимжон ҳолатда тилдан қолиб, тўшакка михланиб қолади. Камига Андижонда қолган қора кучлар ғимирлаб қолиб, унинг укаси Жаҳонгир мирзони тахтга ўтирғизадилар. Ноилож қолган Бобур Самарқандни ташлаб Андижонга қайтади, оқибатда ҳар икки шаҳардан мосуво бўлиб, кам сонли қўшин билан икки йилдан ортиқ дарбадарликда ҳаёт кечиради. Лекин мана шу дамларда у барча темурийзодаларга ўзининг ёш бўлишига қарамай ўктам қадамлар ташлаши мумкинлигини, ҳали кўп йиллар Самарқанд тахтига бўлган даъвосидан воз кечмаслигини англатиб қўйган, кўпчиликни ҳушёр торттирган ҳам эди. Табиийки, бундай ҳур фикрли, ислоҳотчи ҳукмдорнинг етилиб келаётгани маишатпараст темурий шаҳзодаларнинг ғафлатидан фойдаланиб, тез-тез уруш қўзғаб турадиган бузғунчи бек-у амалдорларга ноқулайлик туғдирар эди. Улар қаршисида турган темурийлар мафкураси ва манфаатларини бор вужуди билан ҳимоя қиладиган Бобурни йўқ қилиш пайига тушишар, камида уни қуролдошларсиз қолдириб, чорасиз қилишдан хурсанд эдилар. Ўз ҳаётига нисбатан бундай юқори хавф-хатарни ёш Бобур ич-ичидан ҳис этар, шунинг учун умрининг охирига қадар сергак юришга мажбур эди. Бобур ана шу кезларда шундай ёзади: *“Ушбу йил шубҳалиқ таомдин парҳиз қила бошладим. Пичоқ ва қошиқ ва дасторхонғача эҳтиёт қилур эрдим”* (“Бобурнома”, 48-бет).

Бу каби саргардонлик йилларида нафақат Бобурнинг, балки унинг яқинидаги содиқ сафдошларининг ҳаётига ҳам сирли тарзда суиқасд уюштирилар эди. Бобурнинг кўкалдоши, ёшлигиданоқ унинг ҳарбий юришларида бирдек жон олиб, жон бериб юрган Нўён кўкалдош ҳам кунларнинг бирида ана шундай тарзда ҳалок бўлади. Бобурнинг ҳикоя қилишича, унинг атрофидаги қўшин ва маслакдошлари бу пайтда Пискентда қўним топган эдилар. Зарурат бўладики, улар Оҳангарон томон кўчадилар. Лекин Нўён кўкалдош ва у билан бирга икки-уч кишини Пискент ҳокимининг Мўмин исмли ўғли меҳмонга чорлайди. Бундан аввалроқ Бобур Самарқандни қўлга киритган пайтда Мўмин ҳам унинг ҳузурига келган, бир муддат хизматида бўлган эди. Уларнинг Самарқандда бўлган пайтида Пискент ҳокимининг ўғли Мўмин ва Нўён кўкалдош ўртасида номаълум тарзда адоват юзага келгани ҳақида ҳам эслатиб ўтади. Лекин вақтлар ўтиб, пок назар Бобур мирзо ва Нўён кўкалдошнинг Мўминга нисбатан шубҳаси бўлмаган, шунинг учун улар меҳмондорчилик таклифига оддий қарашган. Бобур Оҳангаронга кўчиб бўлгач, тонгда хабар келади: Эмишки, Нўён кўкалдош мастликда жарликдан пастга йиқилиб ҳалок бўлган. Зудлик билан Нўённинг жасадини топишга унинг тоғаси Ҳақназар юборилади. *“... бориб Нўённинг йиқилғон еридин топиб, эҳтиёт қилиб, Нўённи Пискентға туфроққа топшуруб келдилар. Булар суҳбат тутқан ердин бир ўқ отими бир баланд жарнинг остида Нўённинг ўлугини топибдурлар. Баъзисиға гумон бўлдуким, Самарқанддағи кийнани сахлаб, Мўмин Нўённа қасд қилди. Таҳқиқини киши билмади. Манга ғариб таъсир қилди. Кам кишининг фавтиға мунча мутаассир бўлур эрдим. Бир ҳафта-ўн кунгача ҳамиша йиғлардим”* (“Бобурнома”, 88-бет). Кўриниб турибдики, бу ерда кийна дейилганда, Мўминнинг кек сақлаб юриб, қулай пайтни пойлагани ва бундан фойдаланиб, Нўённинг ҳаётига дахл қилгани аниқ бўлмоқда. Лекин Бобурнинг маъюс кўнглини тинчлантириш учун бирор чора топишга фурсат жуда оз эди, ўзи айтганидек, таҳқиқ-текширув, таҳлил қилишга тақдир имкон бермас эди. Бобурга нисбатан амалга оширилган бу каби жиноятлар унинг иродасига, ички руҳиятига ўз таъсирини ўтказмай қолмас, унинг курашувчанлик ва ҳушёрлик сифатларини ошириб борар эди, шу билан бирга одамларга нисбатан ишонч билдиришда қатъий, совуққон бўлишига туртки бўлар эди.



Асарнинг 1502-1503 йиллар воқеалари баёнида Бобур ҳамроҳлари, оз кишилик қўшинлари билан Хўжанд дарёсининг ёқасида таом пишириб, дам оладилар. Ўша куни кундуз пайтида Бобурнинг такбанди ва олтин қуллобини ўғирлашади. Бу ҳақда Бобур ёзади: *“Тонгласиға-ўқ Хонқули Баёнқули била Султон Муҳаммад Вайс қочиб Танбалға бордилар. Барчаға гумон бўлдиким, бу ҳаракат булардин содир бўлубтур, агарчи таҳқиқи бўлмади”* (“Бобурнома”, 89-бет). Демак, бу галги ҳолатда ҳам майда кўринган жиноятнинг тафсилотини суриштириб, ўғриларни жазолашга Бобурда фурсат бўлмаган, шунинг учун “агарчи таҳқиқи бўлмади”, дея натижани ўргана олмаганини айтиб кетади. Умуман олганда, Бобурдек ҳиммат баланд подшоҳ учун бир буюмнинг ўғрисини қидиртириш унинг ориятини ҳам қўзғатар эди. Лекин бу вазиятдан хулоса қилиш мумкинки, Бобур вақтинчалик саргардон бўлган дамларида ўзидек яратувчан, ўқимишли беклардан кўра, майда нафсига қул бўлган кимсаларнинг қуршовида кўп қолар эди. Бу ҳол унинг ёлғизлик ҳисларини оширар эди.

Бир гал Тошкентда тоғаси Маҳмудхон ҳузурида бўлган пайтларида унинг ёрдам олиш ҳақидаги кўп сўровлари жавобсиз қолдирилади. Оқибатда Бобурни ёлғизлик, чорасизлик туйғулари шунчалар азоблайдики, ҳеч кимга сездирмасдан Хитойга бош олиб кетмоқчи бўлади. Лекин кетма-кет рўй берган тарихий воқеалар унинг навбатдаги орзуси амалга ошишига имкон бермайди. Чунки бу орада унинг Кошғардаги тоғаси (Олачахон номи билан машҳур) Султон Аҳмадхон ташриф буюради ва Султон Маҳмудхон ва Бобурнинг қўшинлари билан иттифоқ қилган ҳолда Аҳмад Танбалга ва кейинчалик Шайбонийхонга қарши курашишни келишиб оладилар. Афсуски, Бобурнинг мўғул тоғалари бирикиб иш тутиши яна бузғунчи кучларнинг ғашини келтира бошлайди. Бобурнинг қошида хизмат қилиб юрган бекларидан бири Қанбар Али бир фитнани бошлаб, бу ишга Бобур ҳам бош қўшишини хоҳлайди: “...ҳолоким Ўш ва Марғилон ва Ўзганд ва кирган вилоят ва эл-улус илигиздадур, филҳол, бориб, Ўшқа кириб, қўрғонларни беркитиб, Султон Аҳмад Танбалға киши йибориб, ярашиб, мўғулни уруб чиқориб, вилоятларни оға-ини ҳисса қилишинг”. Фитнанинг амалга ошишига, албатта, Бобур бош қўшмас эди: *“Мен дедимки, раво бўлмағой, хонлар туққонларим, буларға навкарлик қилғоним Танбалға подшоҳлиқ қилғондин ортиқроқдур. Кўрдиким, сўзи таъсир қилмади, айтқонидин пушаймон бўлуб ёнди”* (“Бобурнома”, 94-бет).

“Бобурнома”нинг энг машҳур, зиддиятли саргузаштларга бой лавҳаларидан бири бу Карнон қалъасида кечган воқеаларни ўз ичига олади. Унда ҳикоя қилинишича, Бобур Андижондан Аҳмад Танбалнинг таъқибидан қочаётган пайтида барча ҳамроҳларидан айрилган ҳолда Карнон қалъасига беркинишга мажбур бўлади. Аҳмад Танбал унга изма-из қилиб, Юсуф доруға бошлиқ жосусларни юборади. У Бобур билан яккама-якка кечган суҳбатда тиззалаб чўкиб таъзим қилган ҳолда такрор-такрор онт ичади ва Бобурни Андижонга қайтишга даъват қилиб, уни яна подшоҳ қилиб кўтармоқчи эканликларига ишонтирмоқчи бўлади. Табиийки, Бобур бу даврга кўплаб хиёнатлар-у ёлғонлар таҳдидидан толиққан эди. Натижада Бобурнинг қалбида иккинчи марта ўлим ваҳимасидан қаттиқ қўрқув пайдо бўлади (илк марта Самарқандни Шайбонийхонга сулҳ эвазига топшириб чиқиб кетаётганида пайдо бўлган эди). Бу гал у Карнон қалъаси боғининг бир чеккасида ўлумни бўйнига олган ҳолда икки ракат намоз ўқийди: *“Ўзумда бетоқатлиғ фаҳм қилдим. Қўптум, боғ гўшасиға бордим. Ўзум била андиша қилдим. Дедимким, киши агар юз, агар минг яшаса, охир ўлмак керак... Ўзумни ўлумга қарор бердим. Ўшал боғда бир сув оқиб келадур эди, вузу қилдим, икки ракат намоз ўқудум, бошимни муножотқа қўюб, тилак тилайдур эдимким, кўзум уйқуға борибтур”*. Аслида, Бобур тасвирлаган ҳолатда у уйқуга кетмаган, лекин маълум бир руҳий ҳолатда Хожа Яъқуб билан сўзлашади. У кўпчилик аскарлар билан биргаликда от минган ҳолатда кириб келиб, Бобурга мадад бўладиган гапларни айтади. Яъни, Хожа Яъқубни Бобурнинг ҳузурига Хожа Аҳрор Валий ҳазратлари юборган бўлиб, унга бундан кейин подшоҳлик маснади берилгани, қаерда мушкул аҳволга тушадиган бўлса, уларни ёдга олиш кераклиги айтилади. Бобур бу ҳолатдан тетик, хушҳол бўлиб ўрнидан туради. Бу пайтда Юсуф доруға уни қандай қилиб кишанлаш ҳақида ёнидагилар билан маслаҳатлашаётган эди. Бобур уларга қарата довюраклик билан: “Қай бирингиз қошимга кела оласиз?” дейди. Шу пайт қалъа ташқарисидан отлар дупури эшитилади. Юсуф доруға дадилланиб: “Бизга Аҳмад Танбал ёрдамчилар юборди”, дея дадилланади. Ўша аснода ташқаридаги отлиқлар кириш эшигини топа олмай, деворнинг рахна етган жойини бузиб кирадилар. Булар Юсуф доруғага ёрдамга келган аскарлар эмас, аксинча, Бобурнинг содиқ йигитлари бўлиб чиқади. Буни кўрган Юсуф доруға бошлиқ аскарлар ортларига қарамай қоча бошлайдилар... Энг қизиғи шундаки, қутқаришга бел боғлаган Қутлуқ Муҳаммад Барлос ҳам айнан Бобур кўрган тушни уч кун олдин кўрган ва унинг тушида Бобурни Карнон қалъасидан қутқариб олиш тайинланган эди. Шуниси аҳамиятлики, Бобурни энг таҳликали дамларда Хожа Аҳрор Валийнинг руҳи қўллагани ҳақида асарнинг бошқа ўринларида ҳам келтириб ўтилган.

Асарда Бобурнинг жонига қасд қилинган саҳна эпизоди бу — унинг Малика Диловарбегим (бизда Малика Байда номи билан аталувчи бу малика ҳинд тарихий қўлёзмаларида Диловарбегим номи билан аталади) томонидан заҳарланиш воқеасидир. Бобур бу пайтда кучга тўлган, умри давомида аччиқ тажрибалардан оқилона хулоса чиқарган подшоҳ эди. У Ҳиндистондек улкан мамлакатни забт этиб бўлгач, маҳаллий амалдорлар, норози кучларнинг пинҳона ҳаракат қилиб, унга суиқасд қилиши мумкинлигидан доим огоҳ турар эди. Шу сабабли ҳам у ўз ошпазларига ҳинд ошпазларини бириктиришда жуда ҳушёр йўл тутади. Ошхонага бириктирилишга номзод қилиб кўрсатилган 60 чоғлиқ ошпазлардан тўрттасини танлаб олади. Афсуски, Иброҳим Лодийнинг онаси Диловарбегим булардан хабар топиб, ўз одамларидан заҳар бердиртириб юборади. Бобур заҳарланиш (бу ҳақда у ўғилларига батафсил мактуб битган) лавҳасини икки қисмга ажратган ҳолда баён қилади: биринчиси, Малика Диловарбегимнинг заҳарланишни қандай уюштиргани, ошпазларнинг қозон бошида маккорларча ҳаракат қилишини бирма-бир ёзиб ўтади. Иккинчисида, ўзининг овқатланиш жараёнини тасвирлайди: *“Одина куни кеч намози дигар ош торттилар. Товушқон ошидин хейли едим. Қалия зардак ҳам майл қилдим. Бу ҳиндистоний заҳрлиқ ошнинг устидин бир-икки тикка майл қилдим. қалин олиб едим, ҳеч нохуш маза маълум бўлмади. Қоқ гўштдин тикка олдим. Кўнглум барҳам урди, ўтган кун қоқ гўштни еганимда бир нохуш маза анда бор эди, кўнглумнинг баҳра урғонин андин хаёл қилдим. Яна бир кўнглум қўзғолиб келди. Дастурхон устида икки-уч марта кўнглум барҳам уруб, қусаёздим. Охир кўрдумки, бўлмас, қўптум. Обхонағача бориб қалин қустим. Ҳаргиз ошдин сўнг қусмас эдим, балки ичганда ҳам қусмас эдим. Кўнглумға шубҳа кечти...”* (“Бобурнома”, 217-бет). Шундан сўнг Бобур ошпазларни ҳибсга олдиртириб, қайлани итга едиртириб кўради. Ит ўрнидан қўпмайди (қўзғала олмайди). Жиноятчилар сўроқ қилинганида, заҳар фақат юпқанинг устига сепилган бўлиб, агар қайла устига сепилган бўлганида эди, Бобурни муқаррар ҳалокат кутган бўлар эди. Бу пайтда подшоҳ сифатида унда таҳқиқ қилиш имконияти бор эди ва Бобур айбдорларни аниқлаб жазолайди. Бобур тайинлганидек, ош сузар маҳалда ҳинд ошпазларининг бирортаси қозонга яқинлаштирилмаган, лекин улар сонияларда идишга ва юпқа ичига заҳарни сепишга улгурадилар, заҳарнинг қолган ярмини ўчоққа улоқтирадилар... Сўроқ тугагач, айбдорлар вазир-у вузаро билан маслаҳатлашилган ҳолда айбдорларга даҳшатли жазо турлари қўлланилади: *“Ул чошнигирни пора-пора қилдурдум. Бовурчини тириклай терисини сўйдурдум. Ул қотиллардин бирисини фил остиға солдурдум. Бирини эҳтиёт қилдурдум. Ул ҳам ўз амалиға гирифтор бўлуб, жазосиға етгусидур”* (“Бобурнома”, 218-бет). Бобурдек сермулоҳаза ва адолатли бошқарувни ўзига шиор деб билган подшоҳ нега бунчалар шафқатсиз жазо турини танлаган, деган савол туғилади. Аввало, жазо турини Бобур танламаган, у юқорида девон чақиртирдим, деб эслатиб кетмоқда. Бу жазо турлари девон томонидан якуний қарор сифатида қабул қилинган. Назаримда, бундай шафқатсиз усулдаги жазодан мақсад битта бўлган. У ҳам бўлса, кейинчалик яна подшоҳга уюштирилиши мумкин бўлган суиқасдларнинг олдини олиш ва норозилик кучларини босиб қўйиш эди.

Бобурнинг мана шундай таҳлика-тўполонларга бой бўлган атиги 47 йиллик ҳаёти уни “Бобурнома”дек асарни яратишга бўлган иштиёқини сўндира олмади. Аксинча, Бобур ҳар бир мушкул дақиқанинг, изтиробли лаҳзаларнинг залворини моҳир носир сифатида қаламга олишга муваффақ бўлди. Агар Бобурга, айтайлик, Алишер Навоийники каби нисбатан маъмур ва тинч ҳаёт насиб қилганида эди, бугун нафақат ўзбек халқининг, балки жаҳон китобхонларининг кутубхонасини у, шак-шубҳасиз, бундан-да кўп нодир асарлари билан бойитган бўлар эди.

Эльмира ҲАЗРАТҚУЛОВА,
филология фанлари бўйича
(PhD) фалсафа доктори.

ХОРИЖ

РАМЗАН ҚОДИРОВНИНГ ЭЪТИРОЗИ

Чеченистон раҳбари Рамзан Қодиров чечен халқининг қадриятларини шубҳа остига қўяётган маҳаллий спортчилар ва блогерларга қарши “қаттиқ чора” кўриш кераклигини айтди.

Қодиров республикадаги спортчи блогерлар Асхаб Тамаев ва Арби Эмиевга уларнинг “номақбул” видеолари учун танбеҳ берганидан кейин шундай баёнот эълон қилди. У “қаттиқ чора” ибораси билан нимани назарда тутганини аниқ маълум қилмаган.

“Спортчи бўлсангиз, ўзингизни спортда кўрсатинг, тамом. Сизнинг миссиянгиз шу ерда тугайди, лекин сиёсатга аралашманг. Баъзилар чечен миллий урф-одатлари ва анъаналарига тўғри келмайдиган шубҳали дастурларда қатнашяпти. Ҳақиқий чечен бундай қилмайди”, — деган Р.Қодиров Чеченистон ҳукуматининг кенгайтирилган йиғилишида.

Республика спорт ва ёшлар сиёсати вазири Исо Ибрагимов ҳуқуқбузарларни “чечен урф-одатлари ва анъаналари доирасида” жазолашга ваъда берган.

АҚШНИНГ МУҲИМ ОБЪЕКТ ТИЗИМЛАРИГА ҲУЖУМ

Ўтган йил давомида хитойлик хакерлар АҚШдаги йигирмага яқин муҳим объектлар, жумладан, инфратузилма объектларининг компьютер тизимларига кириб борган. Бу ҳақда “The Washington Post” нашри ёзмоқда.

Нашрнинг таъкидлашича, хитойлик хакерлар бузиб кирган тизимлар орасида Гавайи штатидаги сув таъминоти тизими билан боғлиқ объект, АҚШ Тинч океани соҳилидаги йирик порт, нефть ва газ қувури бор. Бундан ташқари, Техас штатидаги электр тармоқлари оператори киберҳужумларга учраган. Аниқлик киритилишича, мазкур объектлар фаолиятида ҳеч қандай узилишлар кузатилмаган.

Нашр экспертлари бу ҳаракатлар “Тинч океанида АҚШ-Хитой можароси юзага келганда ваҳима, тартибсизлик ёки логистикани бузиш йўлларини ишлаб чиқиш бўйича саъй-ҳаракатларнинг бир қисми” эканини таъкидлашган.

ТУРКИЯ... ШОШИЛМАЯПТИ

Туркия Швециянинг НАТОга кириши ҳақидаги протоколни тасдиқлашга шошилмаяпти. Бу ҳақда Туркия парламенти ташқи ишлар комиссияси раҳбари Фуат Октай “Bloomberg” агентлигига берган интервьюсида маълум қилди.

“Албатта, биз шошилмаяпмиз, бунинг ўзига яраша сабаблари бор”, — деган у. Фуат Октайнинг айтишича, АҚШ Анқарага F-16 қирувчи самолётларини сотиш шартини Швециянинг иттифоққа қабул қилиниши билан боғламаслиги керак.

“НАТО аъзоларининг айримлари Швеция масаласи билан боғлайдиган муаммолар бор, масалан, F-16 қирувчи самолётларининг сотилиши”, деди Октай. Швециянинг НАТОга кириши ҳақидаги протокол ҳозирча альянснинг 31 давлати томонидан ратификация қилинган, фақат ҳозирча Венгрия ва Туркия уни тасдиқламаган.

ПУТИН ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДИНИ ҚЎЙДИ

Айтишларича, у бунга донбасслик командир Жоганинг илтимосидан кейин рози бўлган. Бу – унинг навбатдаги, бешинчи президентлик муддатига ўз номзодини қўйишидир.



Россиянинг амалдаги президенти Владимир Путин янги, бешинчи бор президентлик муддатига ўз номзодини қўйишини маълум қилди. У ўз қарорини Кремлда Россия ҳарбийларини тақдирлаш маросимидан кейин, Украинадаги уруш қатнашчиси, ўзини ўзи мустақил деб эълон қилган ДХР “парламенти” спикери Артём Жога билан бўлган суҳбатда айтди.

Россияда президент сайлови 2024 йил 15-17 март кунлари бўлиб ўтади. Владимир Путин бундан олдин 4 марта президентлик сайловида номзодини қўйган, барчасида ғалаба қозонган ва 2000 йилдан бери Россияга раҳбарлик қилмоқда. Унинг амалдаги президентлик ваколати келгуси йил 7 май куни ниҳоясига етади.

БОРИС ЖОНСОН ЯНА БОШ ВАЗИР БЎЛИШИ МУМКИН

Борис Жонсон бир гуруҳ консерватив депутатлар режаси ортидан яна Британия бош вазири бўлиши мумкин. Бу ҳақида “Daily Mail” хабар берди.

Хабар қилинишича, Риши Сунакка қарши бўлган Тори аъзолари Суэлла Браверманнинг Ички ишлар вазири лавозимидан четлатилиши ва иммиграция сиёсати бўйича келишмовчиликлардан сўнг, Британия Ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Роберт Женрикнинг истеъфоси ортидан Бош вазир мавқеини беқарорлаштиришга уринмоқда.

“Борис Жонсон Тори депутатлари томонидан ишлаб чиқилган ҳайратланарли режага мувофиқ бош вазир лавозимига қайтиши мумкин — ҳатто Найжел Фараж билан сиёсий иттифоқ ҳам кўриб чиқилмоқда”, деб ёзади нашр. Депутатлар Жамоатлар палатасида овоз бериш жараёнини ўзгартириш ниятида. Даунинг-стрит эса ҳукумат аъзоларининг истеъфога чиқишига ҳозирлик кўрмоқда.

Хабарларга кўра, кўпчилик “тори”лар фақат собиқ бош вазирнинг қайтишигина ўз партиясини сайловлардаги мағлубиятдан қутқаради, деб ҳисоблайди. Жонсоннинг матбуот котиби Фараж билан ҳамкорлик қилиш режалари борлигини рад этди. Унга яқин манбанинг айтишича, икки сиёсатчи ўртасидаги ҳар қандай келишув “кўз ёшлар” билан якунланади.

Интернет маълумотлари асосида
Ислом ЭГАМБЕРДИЕВ тайёрлади.

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

“ТУРОНБАНК” ЙИРИК БРЕНДЛАРГА АСОС СОЛМОҚДА!

Тадбиркорларга қулай имконият яратилган ва уларнинг муаммоларига ечим топишга алоҳида эътибор қаратилган юртда, албатта, юксалиш бўлади. Тўғри-да, яширинча, турли ҳадик ёки қўрқув билан ишлаган қайда-ю, очиқ, эмин-эркин фаолият юритиш қайда?! Кейинги йилларда соҳа ривожига қаратилаётган эътибор ва кенг кўламдаги рағбат туфайли бугун тадбиркорларимиз бир-бири билан соғлом рақобатга киришиб, бемалол ишлаяпти, янги ва истиқболли лойиҳаларни ўртага ташлаяпти. Муҳими, жойларда оилалар моддий манфаатдорлигини оширишга хизмат қиладиган янги иш ўринлари яратилмоқда. Оддий қилиб айтганда, замонавий ва узоқни кўриб иш юритадиган тадбиркорга айланмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлашда банкларнинг роли беқиёс. Таъкидлаш жоизки, молиявий муассасалар ҳозирги кунда илгаригидан анча фаолроқ ишлашмоқда. Бу борада “Туронбанк” АТБ ва унинг ҳудудий бўлимларнинг хизмати катта.

* * *

Куни кеча пойтахтимиздаги миллий матбуот марказида “Туронбанк” АТБ томонидан ОАВ вакиллари ва журналистлар учун тадбиркорлик субъектларига кўрсатилган хизматлар, тақдим этилаётган хизматлар (кредит ва омонат), хорижий кредит линиялари мавзусига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Бугунги кунда “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки кўплаб йирик корхона ва ташкилотнинг ишончли ҳамкорига айланган бўлиб, молия муассасаси ўзининг Республика миқёсидаги 21 та Банк хизматлари маркази ва 72 та офиси орқали 32 мингдан зиёд юридик шахсларга сифатли ва тезкор хизмат кўрсатиб келмоқда.

Хусусан, 2023 йилнинг ҳозирги кунига қадар 925 та ишбилармоннинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида 1,4 трлн. сўмлик кредитлар ажратилди. Шундан 225 млрд. сўми кичик бизнес вакилларига, 65,4 млрд. сўми аёллар тадбиркорлигига, 184,8 млрд. сўми ўзини-ўзи банд қилган ёшлар стартапларига ва 955,8 млрд. сўми бошқа турдаги кредитлар ҳиссасига тўғри келади. Албатта, бу манфаатли ҳамкорлик натижасида кўплаб янги иш ўринлари яратилиб, миллий брендлар сони кўпаймоқда.

Дилшод РУСТАМОВ,
“Туронбанк” АТБ Бошқарув раисининг ўринбосари:

– “Сирдарё Кафель” номи билан танилган “Peng Sheng” Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонаси банкнинг йирик мижозларидан бири ҳисобланади. Иш бошлаган вақтида умумий қиймати 26 млн. АҚШ доллари бўлган лойиҳанинг бугунги инвестицион имконияти 100 млн. АҚШ долларига чиққан. Янги иш ўринлари 2 мингдан ошди. Аввалига фақатгина керамик кафель ишлаб

чиқарилган бўлса, “Туронбанк” молиявий кўмаги билан сантехника маҳсулотлари, қайта ишланган ва ишлов берилган терилар, декор панеллари, томчилатиб суғоришда фойдаланиладиган елим қувурлар, махсус сув ўтказгичлар ва плёнкалар, аёллар ва эркаклар пойабзаллари, чарм буюмлар каби 15 та лойиҳа ташкил этилди. Ишлаб чиқариш майдони 100 гектарга етказилиб, маҳсулотлар экспорти МДҲ давлатлари, Хитой ва Европагача чўзилди. Аҳамиятлиси, жорий йилнинг апрель ойида давлатимиз раҳбари ушбу корхонанинг қиймати 10 млн. АҚШ доллари бўлган 2 та янги лойиҳасига ҳам шахсан старт бердилар. Анжуманда банк раҳбарияти томонидан банкнинг йирик мижозлари ҳақида сўз борар экан, албатта, “SAG” бренди остидаги гиламлари билан танилган компанияни ҳам айтиб ўтишди. Улар Собиқ иттифоқ вақтида машҳур бўлган “Xiva gilam kombinat”ни қайта ребрендинг қилишга эришишган. “Туронбанк” кредитлари эвазига бугунги кунда 12 гектар майдонда 800 минг дизайн асосида 300 турдаги гилам маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Фабрика дунёга гилам етказиб бериш бўйича Туркия ва Эрон каби лидерлар қаторидан жой олмоқда. Ҳаттоки, АҚШда ҳам ўзининг савдо уйига эга.

Шунингдек, кўпчилик “Lochin” номи билан ўзимизда ишлаб чиқарилаётган юк ташувчи мотоцикларни кўрган ёки эшитган бўлиши керак. Аввал, асосан, валютага Хитойдан импорт қилинган ушбу транспортни “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки мижози “Real Moto” корхонаси ишлаб чиқаришни бошлаган. Ажратилган кредитлар эвазига олиб келинган технологиялар шу каби юк мотоцикллари ва квадроцикллар, шунингдек, эҳтиёт қисмларни йилига 12 минг донада тайёрлаш имконини бермоқда. Ҳозирда қўшни Республикаларга ҳам экспорт бошланган.

Равшан ФАЙЗИЕВ,
“Туронбанк” АТБ Кичик ва ўрта бизнес департаменти бошқарма бошлиғи:

– Бугун кўпчилик чет элнинг эмас, балки ўзимизнинг водий Наманганда тикилган костюм ва пиджакларни харид қилишга одатланмоқда. Ҳаттоки, улар бугун жаҳон брендлари учун ҳам маҳсулот етказиб беришмоқда. Мана масалан, уларнинг энг йириги “Туронбанк”нинг мижози бўлган “Fazman” текстил корхонасидир. Қарйиб 12 гектар майдонда жойлашган замонавий фабрика йилига 350 минг дона костюм ва пиджак, 525 минг дона пальто, куртка, классик шим, кўйлак ва нимча ишлаб чиқариш қувватига эгадир. “Туронбанк” ажратган кредитлар эвазига улар янги дастгоҳлар ва технологиялар олиб келиб, бугун МДҲ, Туркия ва Европа давлатларининг илғор брендлари билан ҳамкорликни йўлга қўйишган.

Бундан ташқари, Марказий Осиёда ҳали аналоги бўлмаган, шиша толаси ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи “Folke Porshe” Ўзбекистон – Германия қўшма корхонаси, Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаб АҚШгача экспорт қилаётган “Berad Agro” компанияси, Ўзбекистонга импорт қилинаётган дизель маҳсулотларини маҳаллийлаштиришни бошлаган “Moxsar” нефтни қайта ишлаш заводи, “Smart” номи остида чиқаётган телевизорларни ишлаб чиқарувчи корхона хуллас яна ўнлаб шундай йирик ташкилотлар “Туронбанк”нинг кредитлари эвазига йилдан-йилга ривожланиб боришмоқда.

Чиндан ҳам бугун Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар “Тадбиркор бой бўлса, халқ ҳам, давлат ҳам бой бўлади” деган шиор остида ташкил этилмоқда. Зеро, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири саналади.

Акмал МУАЗЗАМОВ,
“Туронбанк” АТБ Андеррайтинг департаменти директори:

– Ишбилармонларимизнинг катта ҳажмдаги инвест лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Туронбанк” акциядорлик тижорат банки бир қатор халқаро молия институтлари билан ҳам узвий ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйган. Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислом тараққиёт банки, Туркиянинг Эксимбанки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Халқаро қишлоқ хўжалигини ривожлантириш жамғармаси, Хитойнинг Эксимбанки, Германиянинг “АКА” банки, Чехиянинг CSOB банки ва бошқа ташкилотлар шулар жумласидандир. Улар орқали “Қишлоқ хўжалиги”, “Чорвачиликни ривожлантириш”, “Озиқ-овқат маҳсулотларини қайта ишлаш”, “Тўқимачилик ва текстил”, “Мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш”, “Туризм”, “Хизматлар соҳаси” ҳамда “Ҳунармандчилик” каби ўнлаб йўналишларга хорижий кредит линиялари ўзлаштирилмоқда. Хусусан, ҳозирги кунга қадар 1000 дан ортиқ 270 млн. долларлик лойиҳалар молиялаштирилди.

Албатта, эндигина ўз бизнесини бошлаётган ёки капиталлашув даражасини ошириш истагида бўлган кичик бизнес субъектлари ҳамда якка тартибдаги тадбиркорларга корпоратив кредитлар, депозитлар, валюта амалиётлари, ҳисоб-китоб ва ғазна хизматлари, шунингдек, онлайн банкинг энг муҳим восита ҳисобланади. Айни шу жиҳатни инобатга олган ҳолда “Туронбанк” акциядорлик тижорат банкида ҳам мазкур йўналишларнинг барчаси мавжуд.

* * *

Ҳа, банк томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларнинг салмоғи катта. Буни анжуманда берилган маълумотлардан билиш қийин эмас. Биргина юридик шахсларни кредитлаш йўналишини оладиган бўлсак, бугунги кунда молия муассасаси томонидан уларга “Айланма маблағларни тўлдириш”, “Ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш”, “Микрокредитлаш”, “Инвест лойиҳаларни ривожлантириш”, тендер савдоларида қатнашишлари учун “Банк кафолати”, “Экспорт амалиётларини бажариш” хизматлари ҳамда қуёш панеллари “Eko panel” номли маҳсулотлар тақдим этилмоқда.

Шунингдек, юридик шахсларнинг бўш турган сармояларини юқори фойда билан хавфсиз кўпайтириш мақсадида миллий валютада 20%дан, хорижий валютада эса 7%дан депозитлар таклиф этилмоқда. Қолаверса, ишбилармонларнинг вақтлари ва маблағларини тежаш мақсадида, банк томонидан улар учун ҳисоб-рақамларга масофадан хизмат кўрсатувчи махсус “TuronBusiness” мобил иловаси, “SMS ва Internet banking” хизмати сингари дастурлар ҳам ишга туширилган. Мазкур қулайликдан қарийб 48 минг нафар юридик мижозлар фойдаланишмоқда.

Матбуот анжумани давомида банк мутасаддилари Давлатимиз раҳбарининг “2020 — 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида бир қатор тижорат банклари қатори “Туронбанк” акциядорлик тижорат банкида ҳам кенг қамровли трансформация бошланганини таъкидлашди. Унинг доирасида Жаҳон банки гуруҳига кирувчи Халқаро молия корпорацияси (IFC) билан ҳамкорлик ўрнатилиб, банкнинг бизнес жараёнларини такомиллаштириш ишлари олиб борилган.

Эътиборлиси, эски дастурдан воз кечиб ҳар томонлама мукаммал ишланган “Colvir Banking System” автоматлаштирилган банк тизимига ўтилгани. Унинг доирасида барча ҳудудий бўлинмалар ягона МФОга ўтказилиб, тадбиркорларга ҳисоб-рақамларини Республиканинг исталган ҳудудидаги “Туронбанк” марказларида бажариш имкони берилган. Қолаверса, трансформация давомида офислар иш жараёнлари оптималлашиб, кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчи алоҳида департамент ҳам ташкил этилганига урғу берилди. Бу эса юридик шахсларга хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлигининг ошишига олиб келмоқда.

“Туронбанк” акциядорлик тижорат банки келгуси йилларда ҳам ишбилармонларнинг истиқболли лойиҳалари янада ривож топиши, ташаббус ва ғояларининг рўёбга чиқишида доим кўмакчи ва елкадош бўлишида ҳамда қўллаб-қувватлашда давом этади. Бу эса янги иш ўринлари пайдо бўлишига асосдир. Иш ўрни бор жойда фаровонлик бўлади.

Агар одамларнинг тадбиркор бўлишга интилишига амалий ёрдам берилса, бунёдкорлик янада кенг қулоч ёзади. Бу билан минглаб оилаларга барака киради, юз минглаб янги иш ўринлари яратилади. Демак, тадбиркорга шароит яратиб, одамларни ишбилармон қилиш ҳозирги пайтда ҳаётий заруратдир.

Анжуман якунида ОАВ вакиллари ва журналистлар томонидан берилган саволларга “Туронбанк” АТБ масъуллари атрофлича жавоб беришди.

Ислом АСИЛБЕКОВ,
“Hurriyat” мухбири.

Реклама ҳуқуқи асосида.

СИЙРАТ

Бахтиёр ГЕНЖАМУРОД,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

БАРМОҚ УЧИДАГИ РУҲЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ

ёки дўстим, Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмонга хат

Рустам, сизга ёзилаётган хатни тўрт қатор шеърингиз билан бошламоқчиман:

Йўловчи сув излаб, булоқни топар,
Зулматда нур излаб, чироқни топар.
Камондан чиққан ўқ топар нишонни,
Юракдан чиққан сўз юракни топар.

Сўз қадри бўлмаган жойда ҳеч кимнинг, ҳеч нарсанинг қадри бўлмайди. У қадрсиз жойда туғишганнинг, дўстнинг, она юртнинг қадри йўқ. Сўзни тушуниб, ўқиб ва уқиб қабул қиладиган юраклар бўлмаган юртда қадрли инсонларни, ҳатто Ватанни ғанимларга сотиш бошланиши мумкин. Яратган асрасин!

Ҳа, сизнинг шеърларингизда юрагингиз, жигарингиз кўриниб туради... Ўпкангиз-да (кимларгадир)... Шунинг учун ҳам менинг ўлчамим билан баҳолайдиган бўлсак, ҳар мисра ва сатрларингиздаги ўтли сўзларингиз шеъриятни қалби билан англовчи ҳар бир ўзбек ва қорақалпоқнинг юрак тўридан жой олмоқда, томир ёймоқда ва мевалари мўл савлатли дарахтга айланмоқда.

Бурунги йиллардаги “Мени тушунсайди одамлар” деган шеърингизда лирик қаҳрамон китобнинг монологи орқали поэтик сўзнинг қадр-қиммати ҳақидаги тўлғонишларини:

Мен китобман,
машҳур номимни, афсус,
Қаровсиз йилларнинг чанглари босган.
Мен пичоқман,
кескир дамимни нафсиз,
Яроқсиз қўлларнинг занглари босган.
Мени тушунсайди одамлар —
Титилиии-иб кетсайдим...
Катилиии-иб кетсайдим...

Ҳар кун дарсхонада гўзал толиба
Қолдирмай ўқиса варақларимни.
Ҳар кун ошхонада гўзал соҳиба
Билдирмай тўғраса юракларини —
Титилиии-иб кетсайдим...
Катилиии-иб кетсайдим...

Мени тушунсайди одамлар... —

деб тўкиб ташлаган эди. Ҳар қандай лирик шеърдаги дардлар — куюниш ва суюнишлар муаллифнинг умр ва тақдир мазмунидан сув ичаётганини айтадиган бўлсак, бу шеърда шоир Рустам Мусурмоннинг поэтик концепцияси ўз аксини топган, десам янглишмайман. Сабаби, бу шеърингиздаги китоб монологи орқали берилган лирик қаҳрамоннинг поэтик армонларида бўлажак шоирга катта масъулиятлар юклаш бор эди. Албатта, ҳар қандай поэзия тўплами кундуз ва тунларда ҳам сўз қадрини биладиган китобсеварлар томонидан “катилии-ииб кетадиган, титилии-ииб кетадиган...” даражада ўқиладиган бўлса, шоирга бундан ортиқ бахт борми?!

Ҳозирги даврда ўзининг “китобсевар”ларини ўзи сотиб олиб, кўпчиликка бепул тарқатиб юрган “ёзувчи ва шоир”лар ажриқдай кўпайиб кетган. Сизнинг бу бадиий асарингиз шундай салбий жараёнларга норозилигингиз ифодаси эди. Бундай истеъдодсизларга интернет тармоқлари — супер инкубатор хизматларини бажаряпти, энди уларга йўл очилиб қолди, китоб чиқариб юрмайди. Интернет сайтлари антипоэтик “коронавирус”ларни тарқатгувчи гигант лабораторияларга айланиб бормоқда... Қорақалпоқда: “Бўладиган бола беш ёшидан маълум”, деган мақол бор. Ҳайдар кокилингизни шамол ҳилпиратиб, Китоб, яъни иккита об — (ёки сув) орасида бармоғингиз учида бозбаракни осмонда айлантириб ўйнаган фариштадай болалик йилларингизда қалбингизда бир нурли қўзғолон уйғонган экан. Ўша руҳий уйғониш ижодингизнинг дастлабки дақиқаларидаёқ ўз ўқувчиларини “Мен Рустам Мусурмонман, Мен Рустам Мусурмонман!” деб қийқириб чақириб тургани билан ажойиб:

Инсон ер шарини кўтаролмасмиш,
Таянч нуқтасини топмасмиш...
Бироқ
менинг бир қўлимда замин чирпирак,
бармоғим учида айланар фалак —
Бозбарак, бозбарак, бозбарак...

Ушбу шеърингиздаги лирик қаҳрамон дастлаб ғуборсиз, ҳеч кимга қаттиқ гапирмайдиган нораста боладай таассурот қолдиради, келаси сатрларда эса айтганини қилмай қўймайдиган, қайсарлик қонида тўлиб-тошган курашчан, ўжар бола тарзида намоён бўлади:

Мен эса шамолнинг икки бетига
Тортиб юборганман икки шапалоқ —
Бозбарак, бозбарак, бозбарак...

Ўғлоннинг ўз ҳукмига кўнмаётган шамолнинг икки бетига бир-бир шапалоқ уриб юбориши, бир қараганда, ғалати бўлиб кўринса-да, бунда теран маъно — лирик қаҳрамоннинг баъзи жамият қусурларига қаршилиги, уларни рад этиши, маънавий жазолаши тасвирлангандай. Албатта, поэзиянинг гўзал қоидаларига таянадиган бўлсак, инсон қалбидаги нозик кечинмаларни лирик ифодалаш ақл бовар қилмас тасвирлар билан амалга ошади... Ана, шундай бўлганлиги учун лирик қаҳрамон:

Менинг оёғимда толмас қанот бор,
Менинг оёғимга жойланган юрак —
Қамишдай бўйнимга қўнган ниначи,
Гулдай ҳаётимдан учган капалак —
Бозбарак, бозбарак, бозбарак... —

деб оламга жар солишга ҳақли эди. Шуни айтишим керакки, бу шеърнинг таъсир кучи натижасида менинг тасаввуримда “Бу қашқадарёлик шоир бало-ку!” деган бир чақмоқ ялт этган эди.

Дўстим, ёдингиздадир, темир панжали қаттол тоталитар совет тузуми чириган ва ҳар ким ўз тақдири билан ўзи овора бўлиб ётган мустақилликнинг дастлабки ўн йиллигида бир гуруҳ ёзувчи ва шоирлар Тошкентдан Нукусга келди. Уларнинг орасида Икром Отамурод, Шойим Бўтаев ва сиз ҳам бор эдингиз. Жийдали Бойсундаги ҳали тўлиқ тикланиб битмаган уйимизда сизларга кичкина дастурхон ёздим, меҳмоним бўлдингиз. Уйимизнинг олди бетартиб тўзғиб ётган, томининг ярмидан ҳам ози хомаки шифер билан чала-чулпа ёпилган, кириш эшикнинг ўрнига қамиш эрганак ўрнатилган, иккита хонанинг поли бўлгани билан, шифтларига фанер билан қопланган чийларнинг орасидан сомонлар шалвираб турган, деворларда похол сувоқ — абгор ҳолатда эди. Оғир йиллар эди. Қалбларнинг бойлиги баридан устун келиб, ўша куни кечқурун бошланган ўзгача адабий мушоира ерталаб қуёш уйғонгунча авжига чиқди. Устозимиз Тўлепберган Қайипбергенов бу машваратга кўрк бағишлади. Шеърларингизни шунда ўзингиздан эшитдим. Ёзганларингизни ўзгача услубда, ўзгача овозда, баланд мусиқали лафзда ўқир экансиз.

Узумзор орасинда
Тун-у кун пойлаб ётдим.
Юракни палахмонга
Тош қилиб жойлаб отдим.
Ҳой гала-гала, ҳой гала-ааа...

(“Қўриқчи” шеърингиздан)

Сизнинг “Қўриқчи” шеърингизни жўшиб ўқиган пайтингизда қорақалпоқ ботир эрларида учрагувчи “...ҳала-ҳала”ларни эслатгувчи сатрларингиз қадимий “Ўғуздарё” (Амударё) ва Қаттиқоқар канали орасида жойлашган бизнинг Жийдали Бойсун овули осмонида янграб қанот қоқди.

Бир, икки... бешоёқ,
Ўрмалайди бешоёқ,
Тўртоёққа эшоёқ,
Бешоёқда пешоёқ...
Ҳа, той-той!
Ҳа, той-той!
— Чўлпп...

(“Ўғил суйиш” шеърингиздан)

Ота бўлмоқ бахтига муяссар бўлган йигитнинг тўнғич ўғил фарзанди гоҳи эмаклаб, гоҳи энди қадам босган кунларида қалбидаги тўлиб-тошган қувониш ҳисларини шундоққина етказиб бера олгансиз. Бу зурриётга бўлган меҳрнинг ўзгача поэтик тасвирланиши эди.

Поэзиянгизнинг бошқалардан кескин фарқ қиладиган белгиларидан бири сатрларидаги сўз ўйини, айниқса, овозларнинг, товушларнинг ўйини (рақси) экан. Бу устоз Икром Отамуродга бағишланган “Руҳимнинг довуши” номли шеърингизда яққол сезилади. Чолғу асбобларидан чиққан овозларни таърифлаш орқали сиз диди нозик китобсеварларга ўз поэзиянгизни уқтиргингиз, қалбингиздаги жон қийқириғини тушунтиргингиз келади:

Токи нафас олмоқда чолғу:
Ҳаётининг шартидир наво.
Куй барҳаёт, мусиқа мангу,
Мен — най нафас олаётган ҳаво:
– И-фу-у-увв...
– И-фу-у-увв...
– И-фу-у-увв...

Улкан бир мусиқали оркестр Тангридан ўзга ҳеч кимни тан олмайдиган ва илоҳий жазавага тушиб, кўзга кўринмай ўйнаётган дарвеш учун соз чертаётгандай:

– Иҳ-ҳа-а-ааа...
– Иҳ-ҳа-а-ааа...
– Иҳ-ҳа-а-ааа...

“Ватаним”, “Овутиш”, “Бу тун”, “Ой тўлди, Ой тўлди”, “Умр тасвири”, “Совчи”, “Келинчак”, “Гул экарман жаҳоо-она”, “Тўлғоқ”, “Гул базми”, “Ёр келар йўлга қараб” шеърларингизда, “Руҳ насибаси” достонингизда ва бошқа лирик асарларингизда теран маънога эга фонемалар ва товушлар ўйини етакчилик қилади. Поэзиядаги овозни, шеър ёзишдаги ва ўқилишидаги маҳоратни улуғлайсиз. Қорақалпоғистон халқ шоири Халила Давлатназаровга бағишланган шеърингизда сўздаги товушларнинг поэтик мазмуни кўркам тасвирланган:

Шеърни ўқиш — ибодат,
Яратганга муножот.

Халилло, Халилло,
Довушдан ожиз имло,
Тилсиз қалам ва қоғоз
Овоз бўлолмас, овоз.

Ҳа. “Шеърни ўқиш — ибодат”, шеър ёзиш муножотдай! Қоғозни, қаламни, имлони яратувчи бу — овоз! Барчасининг ижодкори Руҳ-ку! Хусусан, “Руҳ насибаси” достонингизда бўлса, ушбу юқоридаги айтилган улуғ неъматларнинг куч-қудратини ёниб-куйиб куйлагансиз:

Дўзахдан
Жаннатга қадар,
Азоб-уқубатдан
Роҳатга қадар,
Оддий фуқародан
Давлатга қадар,
Саодатга,
Бахт-у иқболга қадар
Кенжа ботир янглиғ
Аларга қоровул,
Аларга масъул.
Соддадиллар ризқи —
Руҳ насибаси...

...“Қозонни осамиз
Осмонга.
Остига
Қуёшни қалаймиз.
Кўнглимни
Тўўлдириб қозонга,
Қайнатиб...
Сумалак ялаймиз...”

Сўз юритилаётган лирик достонингизда қарама-қаршиликларга тўла табиат ва жамиятдаги инсонларнинг ўрни, мусофир тирикчилиги, тақдири, қалби, куюниш ва суюнишлари тўла дардларингиз тоғлар зилзиласидан отилган вулқондай тўлиб-тошиб, ўзанига сиғмай шарқираб сачраб оқаётгандай... Албатта, сизнинг поэзиянгиз улуғ ўзбек классик бадиий асарлар чўққиларидан бошланади, лирикангизнинг томирлари дунё халқлари адабиёти дарёларидан сув ичган. Кўпчилик адабиётшунослар шеърларингизда халқ оғзаки ижоди оҳанглари устунлигига диққат қилишади. Менинг назаримда, асарларингизда модернизм чизмалари ҳам кўриниш бериб тургандай. Айниқса, ҳеч кимга ўхшамаган рус футурист шоири Велимир Хлебниковнинг кучли таъсири бордай...

Гўзал асарларингизга тутдай тўкилиб меҳр бериш сизнинг қорақалпоқ адабиётини ўзбек тилига таржима қилиш маҳоратингизга хос хусусият бўлиб келмоқда. Не учун бундай бўлаётир? Сиз ўзингиз тушунтириб бера оласизми? Йўқ, бу вазифангиз эмас. Буни ўзбек адабиётшунослари қандай баҳолайди, бу уларнинг касб вазифаси... Лекин қаламингизга мансуб асарларингизни ва таржималарингизни ўқиб ва уқиб пайқаганим ўша: кўплар “ана у-мана у” деб совуннинг кўпигидай “урра-урра”лар ёзиб юрган даврларда бошқача ва тўғри йўлни танладингиз.

Ҳа, ўзбек поэзияси ривожланишига ҳисса қўшмоқдасиз.

Рустам дўстим! Ҳа, шундай!

Бироқ ўзбек туғишганлар мени кечирсин, оға-ини миллат ўзбек халқига қараганда кўпроқ бизлар учун — қорақалпоқ халқи адабиётининг ривожи учун тер тўкдингиз, кўз нурингиз кўпроқ қуйилди (кимларнинг асарларини таржима қилганингизни санаб ўтирмайман, у узун рўйхат!). Бир жайдари қорақалпоқ бўлиб, Қорақалпоғистон тасвирларидан шеърлар ёздингиз. Ҳаттоки:

Ўзбек элим еринда гард, тупроқман,
Улли шоирлар ичинда урпоқман.
Минжир, сарой, кенагасга аймоқман,
Зотим чуют, мен ҳам қорақалпоқман, —

деб катилдингиз, титилдингиз — кўксингизни очиб, қовурғаларингиз орасидаги юрагингизни ва жигарингизни қорақалпоқчалаб кўрсатдингиз. Шунинг учун ҳам қорақалпоқ халқи, Қорақалпоғистон Республикаси, Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси, Қорақалпоғистон ижодий жамоаси Рустам Мусурмонга — Сизга Қорақалпоғистон халқ шоири деган давлат унвонини берди.

Биласиз, Ўзбекистон халқ шоири Александр Файнберг икковимизга ҳам устоз, ҳам оға, ҳам дўст эди. Ҳаммасидан ҳам аълоси — улуғ инсон эди. Унинг ўрнида Тошкентда бизлар билан сирлашгудай русийзабон ижодкорлардан ким бор энди?! Сиз унинг ўзбекчага ўзингиз таржима қилган шеърларини ўқиб берганингизда Саша оғадан-да кўпроқ Инна янгамиз қувонганлари-чи... Оҳ... Энди у даврлар қайтиб келмайди!..

Саша оға устоз Абдулла оға билан қадрдон дўст эди...

Рустам! Славян халқларидан, турк халқларидан, дунё поэзиясидан ширали асарларни ўзбек тилига таржима қилдингиз. Қалби поэтик ширали бўлмаган инсон ўзга халқнинг, миллатнинг, дини ва фикрлаши ўзга инсонларнинг асарларини, такрорланмас шеърларини ўз она тилига олиб кела олмайди, кучи етмайди. Мажор халқининг классик шоири Шандор Петёфининг поэзиясини ўзбек тилига ўгирганингиз, менимча, бутун Марказий Осиё маданияти ва адабиётида улкан ютуқлардан бири бўлди.

Қадрли дўстим!

Улуғ устоз Абдулла оғанинг: “Булбул ҳашаматли саройларда эмас, кенгликлар теграсидаги тиконли буталар орасида туғилади... Бундай талантларни авайлаб-асрашимиз зарур... Рустам, Бахтиёрни сенга топширдим. Сени Худога топширдим! Икковингиз бир-бирингиздан асло айрилманглар...” — деган кўнгил гапи мангу юрагимда қолган. Бир пиёла чой устида ё мен, ёки ўзингиз ушбу сўзларни ўтириб эсга оламиз... Ҳа, кам сонли халқлар ва миллатларга хавф туғдираётган ҳозирги глобализация замонида “Кимга ишониб яшаш зарур?” деган савол ҳар битта инсоннинг қалбини ечими йўқ ташвишларга солаётгани сир эмас.

Бир томчи кўз ёшда бутун уммоннинг мазмуни бор. Бир шеърда кўнгилнинг, кўнгилда инсоннинг, инсонда эса чексиз осмоннинг, космоснинг маъноси бор. Кўнгилдан чиққан шоир сўзи тингланишни, ёзилишни, инсонларнинг ўқишини истайди, қаламни излайди. Болалик даврида осмонни, оламни бармоқ учида айлантирган БОЛАнинг қўлида бугун ҚАЛАМ бор. Ўша қалам ушлаган бармоқ ва қўл фалакни, самони бойлаб қўйибди:

Варрак учмоқда.
Осмонни қўлига боғлаб
Ўйнайди бола.

Шоир қаламида — дунёни жамламоқчи, поклантирмоқчи бўлган руҳ қўзғолонлари қанот қоқмоқда...

Қорақалпоқ тилидан Зулфия номидаги давлат мукофоти соҳибаси Роҳилабону ҒЎЧЧИЕВА ўзбек тилига ўгирди.

МУТОЛАА

Меҳр — дунёнинг офтоби

Болалик инсон ҳаётининг энг гўзал, покиза даври. Бола дунёга бутунлай бошқа нигоҳ билан қарайди. У дунёни ўрганар экан, энг аввало меҳр, эзгулик, яхшилик ва гўзалликка қизиқади. Шу боис бола катталар меҳрига, эътиборига, эътиборга жуда муҳтож!

Болаларнинг севимли адибаси Дилфуза Шомаликованинг “ЗаҒизғоннинг арғимчоғи” тўпламидан жой олган кўплаб ҳикояларида болалик ҳаётининг ана шу жиҳатларига алоҳида эътибор берилган. Муаллиф кичкинтойларнинг маънавий салоҳиятини ўстиришда, қалбида Ватанга, оилага, табиатга муҳаббат туйғуларини уйғотишда катта одамнинг нечоғли ўрни борлигини бугунги ўзбек оиласи мисолида кўрсатган. Оиладаги катталар ва кичиклар, хусусан, она, буви ва бола муносабатларини янги йўналишда ёритишга интилган. Яъни, оиладаги катталар болага ҳаддан ортиқ меҳрибон, ўргатишдан, панд-насиҳат қилишдан чарчамайдиган киши сифатида эмас, балки бола шахсини ҳурматловчи доно устоз, уни қўллаб-қувватловчи самимий дўст, дилкаш суҳбатдош, меҳрибон инсон қиёфасида намоён бўлади.

Ватан ичра кичик Ватан бўлмиш — оила ҳар бир инсон учун азиз ва муқаддас жой. Халқимиз қадим-қадимдан оилага, бола тарбиясига алоҳида эътибор берган. Катталар кичикларга меҳр кўрсатиб, ўзаро иззатда, ҳурматда яшаганлар. Фарзандлар болалигиданоқ оилага — ота-онасига, бувию бобосига, жигарларига меҳр қўйиб улғайган.

Шу маънода унинг “Осмондаги қушлар уяси”, “Қиш келтирган болалик”, “Кўзимнинг ичидаги чироқ”, “Ўзимизнинг қалдирғочлар” ҳикоялари диққатга молик. Уларда тинч-тотув оилаларда камол топаётган болаларнинг оламни билишга қизиқишлари, бир олам қувончу шодликлари, беғубор орзулари ёрқин лавҳаларда талқин этилади. “Кўзимнинг ичидаги чироқ” ҳикоясида оиладаги ўзбекона муҳит, бувининг неварасига меҳри, боланинг руҳиятидаги ўзгаришлар, кўнглига осудалик бермаётган соғинч туйғуси ишонарли тасвирланган. Ҳикояда бола ўз оиласи ҳақида сўзлаб берар экан, Бувижонисига алоҳида тўхталади... Бувижон набирасини “чироғим” деб эркалайди, “Сен кўзимнинг ичидаги чироқсан, болам” дейди. Набирани бағрига босиб, ачомлайди. “Қалбингдаги меҳр... дунёнинг офтобидан ҳам равшанроқ” эканлигини сингдиради, набирасининг қалбини меҳр-муҳаббатнинг тоза нури билан нурлантиради. Набира бу сўзларнинг чин маъносини уйидан узоқда, оромгоҳда, соғинч ҳиссини туйганидагина тушунади. Муаллиф ҳикоя давомида бу соғинч айнан оилага, жондан азиз жигарларингга бўлган улкан муҳаббат эканлигини ёш китобхонга англатиб боради. Она юртга муҳаббат оилага бўлган муҳаббатдан бошланади. Болалик қалбига сепилган бу соф, покиза ҳис кейинчалик ўсиб, она-Ватанга муҳаббат билан чамбарчас боғланади. Инсон қаерда, қайси гўшада бўлмасин, у ҳеч қачон умрбод сўнмайди, ҳамиша оловланиб туради.

Тўпламдан жой олган “Гулнинг онаси чиройлими?” ҳикоясининг сарлавҳасиёқ ўқувчини завқлантиради, диққатини тортиб, тасаввурини уйғотади. Муҳими, ҳикояда муаллиф бола тилидан ёлғон саволлар тўқимайди, балки ҳаммаси табиий ва ишонарли берилади:

“— Ойижон, кампирларнинг ҳам онаси бўладими?

— Ҳа, болам.

— Дарахтларниям, қушларниямми?

— Албатта, жамики жониворларниям. Яралган ҳамма мавжудотларнинг онаси бўлади...

— Энг чиройли кимнинг ойиси?

— Билмасам, болам.

— Гулниям онаси борми?

— Ҳа, болам, бор-да онаси.

— У жуда-жуда чиройлими?

— Жудаям.

— Сиздан ҳамми?”

Келтирилган парчада кичкинтойлар оламидаги битмас-туганмас қизиқувчанлик, дунёни билишга бўлган интилиш, оддийлик тубидаги жиддийлик ва айни пайтда боланинг тоза, беғубор қалби, ҳайрати яққол кўринади. Қанақасига, ахир у онажониси ҳаммадан гўзал эканлигини аниқ билади-ку!.. “Йўқ, ишонмайман... энг чиройлисиям сиздек эмас... Сиздан кейин... иккинчи, учинчи, тўртинчи улар... Биринчи фақат — Сиз... сиз!..”

Муаллиф шу тарзда ҳикоя қаҳрамонининг онасига бўлган чексиз муҳаббатини, меҳрини гўзал ифодалайди. Шубҳасиз, бу сўзлар дунёдаги барча болажонларнинг дил изҳори каби эшитилади.

Тўпламдан мактаб ҳаёти, дўстлик, ўртоқчилик ҳақидаги ҳикоялар ҳам ўрин олган. Жумладан, “Тўрт ўртоқ” ҳикояси ўртоқчилик ҳақида. Ҳикоя биринчи шахс тилидан баён қилинади... Унда тўртта маҳалладош ўртоқ биринчи синфга чиқади. Ҳамма хурсанд! Аммо Комилнинг табиатидаги айрим болаларда учрайдиган димоғдорлик, кибру ғурурга берилиш каби қусурлар унинг ўртоқларидан ажралиб, яккаланиб қолишига сабаб бўлади. Бахтга қарши, Комилларнинг оиласи шаҳарга кўчиб кетади. Орадан вақт ўтиб, уч ўртоқ ёзги оромгоҳда Комил билан учрашиб қолади. Эски гиналар унутилади. Ҳар куни бирга чой ичадилар, “бувилари, оналари пишириб берган нарсалар билан” Комилни меҳмон қиладилар. “У ҳеч нарса олиб келмаган, шекилли...” деб ўйлайдилар.

Комил оромгоҳ ишларида фаол, унга ҳавас билан қарайдилар. Лекин бир куни ётоқхонада қандайдир нохуш ҳид тарқалади. Қидириб кўрилса, Комилнинг каравоти тагидан иккита катта халтада ҳидланиб қолган егуликлар чиқади... Хонада Комил бўлмаганлиги учун, ҳамма ўгирилиб, унинг ўртоқларига қарайди. Улар эса нима дейишни билолмай лол қоладилар! Тасаввур қилинг, ўртоқчиликнинг масъулияти қанчалик катта! Ўртоғинг қилган ёмон иш уни шарманда қилиши билан бирга, сени ҳам мулзам ҳолатга солади, бошинг эгилади...

Ёзувчи ҳикоя тагматнида ўртоқлик, дўстликнинг ҳам шартлари ва қоидалари борлиги, дўстлар бир-бирларини ҳурмат

қилсалар, қўллаб-қувватласалар, худбинликдан, кибру ғурурдан воз кечиб, самимий бўлсаларгина мустаҳкам ва бардавом бўлади. Худбинлик, кибр, қизғанчиқлик, хасислик каби ёмон сифатлар дўстликка, ўртоқчиликка путур етказиши ҳақида ёш китобхонга сабоқ беради.

Д.Шомаликова ҳикоя ва эртакларида бизни ўраб турган табиатни, бирин-кетин келадиган йил фаслларини бутун жозибаси, латофати билан тасвирлайди. Ёш китобхонни она-табиат билан уйғунликда яшашга, гулларга, дарахтларга, “қанотли дўстларимиз”га эътиборли бўлишга, ёрдам беришга, асраб-авайлашга, гўзаллиқдан завқланишга ундайди. Тўпламдан жой олган “ЗаҒизғоннинг арғимчоғи”, “Қуёш билан саломлашаман”, “Осмондаги қушлар уяси”, “Тупроқ ўйнаётган бола”, “Мен баҳорни кўрдим”, “Табиб қушлар”, “Қушларнинг катта онаси”, “Кўкламнинг овози” ва бошқа қатор асарларда бу боқий мавзулар таъсирли воқеалар, дилбар суҳбатлар, ибратларда кўрсатилади.

Лекин яна шуни алоҳида айтиш жоизки, бир қараганда оддий кўринган воқеаларга кенгроқ назар ташланса, оиладаги катталарнинг табиатга бўлган онгли муносабати кичкинтойлар шуурига, қалбига чуқур таъсир қилади. Табиат билан ёнма-ён, дўстона яшаш сирларини енгилроқ ўзлаштиришларига замин бўлади.

Дилфуза Шомаликованинг болалар учун ёзган гўзал бадиалари ҳам диққатга сазовор. “Тупроқ ўйнаётган бола”, “Менинг азиз ватаним”, “Бизнинг буюк боболаримиз”, “Мактуб ёзаётган бола”, “Мен баҳорни кўрдим”, “Кўкламнинг овози” каби бадиалари жуда гўзал, бадиий тилда, санъаткорона ёзилган. Бадиалар шоирона руҳ, нафис тасвир, болалар дунёсига, дидига мос, улар тушунадиган (ёки... тушунмайдиган) даражадаги фалсафий фикрлар билан йўғрилган. Бадиалардаги сержило оҳанг, фикрнинг ўзига хос ифодаси бола онгига етиб бормаслиги мумкин, аммо қалбига, юрагига шубҳасиз етиб боради. Энг муҳими, маҳоратли болалар адибаси Дилфуза Шомаликованинг янги тўпламидан жой олган асарлар болалар қалбида Ватанга, ота-онага, табиатга, миллий қадриятларимизга муҳаббат уйғотади, гўзалликка, яхшиликка, эзгуликка ишониб улғайишига кўмак беради.

**Замира ИБРОҲИМОВА,
филология фанлари номзоди.**

МАЪНАВИЙ УЙҒОҚЛИК ВА ОГОҲЛИККА ЧОРЛОВ

Жорий йилнинг 11-12 декабрь кунлари пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган “Жадидлар: миллий ўзлик, истиқлол ва давлатчилик ғоялари” мавзусидаги халқаро конференция фаолияти нафақат юртимизда, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларида жуда катта қизиқиш уйғотди.

1-б. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг халқаро конференция иштирокчиларига йўллаган мурожаатини Президент маслаҳатчиси – спичрайтер Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди. Президент табригида, жумладан, шундай дейилади:

“Барчамизга аёнки, “Тилда, фикрда, ишда бирлик” деган эзгу ғоя билан майдонга чиққан жадид боболаримиз халқларимизни жаҳолат ва қолоқликдан олиб чиқиш, уларни ғафлат ботқоғидан қутқаришнинг асосий йўли — билим ва маърифатда, дунёвий тараққиётни эгаллашда, деб билдилар.

Улар шу йўлда фидойилик кўрсатиб, янги усул мактаблари, театр ва кутубхоналар, нашриётлар очдилар. Жамият аъзоларининг дунёқараши ва турмуш тарзини ўзгартириш мақсадида газета ва журналлар нашр этдилар. Ёшларни илғор давлатларга ўқишга юбордилар.”

Таъкидлаш лозимки, глобал геосиёсий вазиятдаги жараёнлар таъсирида халқларнинг онг-шуурида юз бераётган ўзгаришлар ҳамда бунинг натижасида ёш авлоднинг миллий тарихимизни ўрганишга бўлган талабининг ошиши конференциянинг долзарб аҳамиятини белгилаб берди.

Ўзбекистон Президенти ўз чиқишларида бер неча бор таъкидлаганидек, ўз замонасининг илғор вакили бўлмиш жадидлар ўта мураккаб бир шароитда миллий уйғониш ва тараққиёт ғояси билан майдонга чиқди. Уларнинг ташаббуслари ҳамда эзгу амаллари жамиятда чуқур акс садо берди ва қудратли кучга айланди.

Қолаверса, давлатимиз раҳбари жадид боболаримизнинг гуманистик ғояларини юксак баҳолар экан, эркин фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий демократик давлат қуришда уларнинг тамойилларига таянишимиз лозимлигини қайд этган.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёрдамчиси Саида Мирзиёева сўзга чиқди. Нотиқ турли мамлакатлардан конференцияга ташриф буюрганларга миннатдорчилик билдириб, мамлакатимиз учун энг муҳим мавзулардан бири – миллат таълим-тарбияси масаласини муҳокама қилиш ва Ўзбекистонда жадидлар бошлаган ишларни давом эттириш вақти аллақачон етиб келганини таъкидлади. Жадидларнинг ғоялари, уларнинг орзу-интилишлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг сиёсатида ўз аксини топмоқда, десак ҳақиқатдир. Давлат раҳбари етакчилигидаги Янги Ўзбекистон жадид боболаримиз орзу қилганидек, дунёвий ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини бунёд этиш, сифатли таълим тизимини яратиш, сўз эркинлиги ва очиқликни таъминлаш йўлидан дадил одимламоқда.

Саида Мирзиёева алифбони ислоҳ қилиш масаласининг аҳамиятига ҳам эътибор қаратиб, ўтган йиллар давомида миллий алифбомизни ислоҳ қилиш борасида кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирилгани, қизғин баҳс-мунозаралар бўлиб ўтгани, аммо масала ҳамон очиқ турганини қайд этди.

Анжуманда Туркий тилли давлатлар ташкилоти Бош котиби Кубаничбек Омуралиев, Халқаро туркий маданият ташкилоти – Турксой Бош котиби Султон Раев, Халқаро Туркий академия президенти Шаин Мустафоев, Туркий маданият ва мерос халқаро жамғармаси президенти Актота Раимқулова ҳамда АҚШ, Германия, Нидерландия, Озарбайжон, Туркия, Швеция, Россия, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон ва Япония сингари мамлакатлардан ҳам таниқли олимлар қатнашди.

Адиб ХАЛИД,
америкалик тарихчи:

– Тарихда аксарият мусулмон жамиятлари мустамлака қилинган. Марказий Осиё улардан бири эди. Ўшанда мусулмон зиёлилари нима қилмоқ керак, деган саволга жавоб беришга интилган. Марказий Осиёда замонавий миллий ўзликни шакллантиришда жадидлар ўта муҳим роль ўйнаган. Ва менинг илмий ишларимнинг деярли катта қисми шу масалаларга бағишланган. Муҳим масалалардан бири жадидчиликнинг мустамлакачилик ва замонавий таълим учун кураш шароитида вужудга келганида. Бугун эса Ўзбекистон суверен давлат. Мустамлакачилик муаммо эмас, таълим ҳам. Чунки Ўзбекистоннинг умумхалқ таълими мавжуд. Шундай қилиб, бу саволларга ўрин йўқ. Лекин менимча, ислом ва замонавийлик ўртасидаги уйғунлик масаласи ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Баҳодир КАРИМ,
филология фанлари доктори, профессор:

– Бир замонлар бўлдики, жадидчиликнинг ижтимоий-сиёсий, давлатчилик жиҳатлари муҳокама қилинмади. Ваҳоланки, 72 кун умр кўрган Туркистон мухторияти тарихдаги энг катта, энг гўзал ҳодисадир. Ва айни дамда энг фожиали, қонга ботирилган ҳодиса ҳам. Ўшандан кейин Чўлпон “Бузилган ўлкага”, деб шеър ёзди. Кейин шоирнинг “Эй, гўзал Туркистон, сенга не бўлди?”, “Эй, гўзал Фарғона қонли кўйлагингдан айланай” деган сатрлари ёзилди. Лекин Чўлпон айнан мана шу шеърининг охирини бир умид билан якунлаган. Яъни, бу мамлакатда келажакда ойдин, гўзал кунлар бўлади деган маънодаги фикрлари бор. Ана шу умидли кунларда биз яшаяпмиз.

Аҳмет Бижан ЭРЖИЛАСУН,
Туркиянинг Гази университети профессори:

– Жадидчилик ҳаракати Ўзбекистонда, Қозоғистон, Туркия, Германия, Японияда, Америкада, дунёнинг кўплаб нуқталарида ўрганилмоқда. Айтишим керак, жадидчилик Туркистоннинг умум ҳаракатидир. Бунда ёлғизгина ўзбек жадидчиларини эмас, қозоқ, қрим, урал жадидчиларини ҳам бирга ўйлаш керак.

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор:

– Жадидлар олдига 9 та асосий йўналишни қўйган эди. Улар ичида биринчиси, истиқлол эди. Истиқлолга бундан 32 йил аввал эришдик. Кейинги масала, ўзликни таниш ва дунёга таништириш бўлган. Бу 1-2 йил ёки ислоҳот билан амалга ошадиган ҳодиса эмас. Шунинг учун улар қўйган муҳим масалалардан бири шу. Ёки бўлмаса ўзбек тилини дунё миқёсида жорийланиши ҳам муҳим йўналиш сифатида кўрилган. Жадидлар Алишер Навоий даражасидаги ёзувчилар етишиб чиқишини орзу қилишган. Шунинг учун ҳам Қодирий, Беҳбудий, Фитрат, Чўлпонлар улуғ ва гўзал асарлар ёзиб қолдирди. Назаримда, жадидлар бошлаб берган йўл давом этади. Уларнинг улуғвор ва эзгу ниятлари бир кун келиб тўлиқ амалга ошади.

Ҳисао КОМАЦУ,
Японияниг Токио университети профессори, турколог:

– Абдурауф Фитратнинг “Мунозара” асарини жуда таъсирланиб ўқиганман. Кейин Фитратнинг фаолияти ҳамда бошқа ёзган асарларини ўқиш ва ўрганишга қизиқишим ортди. Японияда мендан аввал ҳеч бир одам жадидчилик ҳаракати ҳақида китоб ёзмаган. 2018 йилда Японияда жадидлар тўғрисида китобим нашрдан чиқди. Монографиямда Абдурауф Фитрат, Беҳбудий, Чўлпон, Мунаввар қори каби жадидчилик намояндалари хусусида маълумот берилган.

* * *

Нуфузли тадбирнинг иккинчи куни ҳам қизғин давом этди. Бир қатор давра суҳбатлари ўтказилди. Мулоқот кенг жамоатчилик учун очиқ бўлди. Учрашувда олимлар Темур Хўжаўғли, Адиб Халид, Ҳисао Комацу, Зайнобиддин Абдурашидов ва дунёга машҳур тарихий сериаллар муаллифи Меҳмет Бўздоғ иштирок этишди.

Конференция доирасида жадидлар ва умуман, жадидчилик ҳаракати: унинг туғилиши, ривожланиши, қадриятлар учун курашиши, бостирилиши ва Янги Ўзбекистон замонида ушбу ғояларнинг қайта дунёга келишига бағишланган “Хотира йўлаги” экспозицияси тақдим қилинди.

Шуни алоҳида айтиш жоизки, миллий ўзликни, улуғ қадриятларимизни эъзозлаш, яқин тарихимизни янада яхшироқ, чуқурроқ ўрганиш, ҳурлик ва истиқлол туйғусини баланд тутиш, улуғ бир миллат сифатида қандай ёрқин инсонлар етишиб чиққани, буюк боболаримиз жасорати, бебаҳо меросини дунёга таништириш йўлида ташкил этилган мазкур халқаро анжуман Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қўллаб-қувватлови, ғояси билан ташкил этилгани диққатга молиқдир.

Ислом ЭГАМБЕРДИ ўғли,
журналист.

ТАФАККУР

Жадид боболаримиз сўзи

Истибдод даврида биз мусулмон ёшларнинг кеча-кундуз мактаб-мактаб дея бақирдиқларимизни кўз олдимизга келтирсак, энди ўшал вақтда имтилган амалимизни кўз олдимизда кўрармиз. Иш шундоғ экан, энди ҳам танбаллик этсак, бутун масъулият келажак тарихда бизим устимизда бўлур.

Абдулла ҚОДИРИЙ

Ҳозир ер юзидаги одамларга қараганда, аксар мусулмон тоифаси илму фан, давлат ва ҳукумат тўғрисиға кейин қолиб, илмлик мусулмонларга қараганда биз туркистонийлар замонидан бехабар қолибмиз. Масалан, Хитой ва Ҳиндистон мамлакат ва одамлари тўғрисиндаги билгумиз бутун бекор ва беаслдур. Аксар дунё ишлари тўғрисиға ҳам бизларни билишимиз хатодур, яъни дунёдан хабаримиз йўқдур.

Маҳмудхўжа БЕҲБУДИЙ

Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётидур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур.

Абдулла АВЛОНИЙ

Эй Улуғ Турон, арслонлар ўлкаси!

Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг, эски йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири йўқолмамишдир.

Абдурауф ФИТРАТ

Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун саъй-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир.

Исҳоқхон ИБРАТ

Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир!

Абдулҳамид ЧЎЛПОН

ЭЪТИРОЗ

Ўқилмаган ҳар бир газета менда армон уйғотади

Мен 2023 йил учун “Hurriyat” газетасига обуна бўлган эдим. Негадир январь ойининг ярмигача газета етиб келмади. Таҳририят ва “Ўзбекистон почтаси”га мурожаат қилганимдан сўнг, кечикиб бўлса-да, газетани ола бошладим. Мутолаадан завқланиб юрган кунларимда яна газетанинг баъзи сонларини ололмай қолдим. Иложсизликдан Олот почта бошлиғининг олдига бордим. Бошлиқ газетани мунтазам етказишни Хўжаназар деган ходимига топширган экан. У йигит “Илтимос, раҳбаримдан гап эшитмайин” деб мўлтираб қараб турганн учун, мен унга газетани вақтида олаётганим тўғрисида тилхат ёзиб бердим. Аксига олиб, у тез кунда ишдан бўшаб кетди. Ажабланарлиси, бир йил давомида 4 та почтачи алмашди. Айтишларича, ойлик кам эмиш. Алоқа тизимида шундай бепарво ходимларга дуч келдимки, ҳатто улар қаерга хат олиб борганлигини, кимга газета берганлигини ҳам эслай олмайди. Қайта-қайта мурожаат қилганимдан сўнг газетанинг 29-сонини яқинда келтириб беришди.

Илгари газета баъзида икки ҳафталаб келмаган вақтларда мен почта раҳбарига ёмон кўринсам ҳам, телефон қилаверганимдан сўнг келтириб беришар эди. Аммо кейинги вақтда қўнгироқларим ҳам фойда бермай қўйди. Хуллас, 2 августдан бери газетани олганим йўқ.

Матбуот маърифат, зиё тарқатади. Мен газета ўқимасдан туролмайман. Бир нарсани йўқотгандек бўлавераман. Почта етказиб беришни ўз зиммасига олган, лекин у вазифасини бажармаяпти.

Ҳар бир ўқилмаган “Hurriyat” сонлари менда армон уйғотади. Келгуси йил учун ҳам обуна бўлсам, афсусланиб қолмайманми? Почтадаги бепарволикларга барҳам бериладими, йўқми?

Лазиз БЕШИМОВ,
Бухоро вилояти, Олот тумани.

Газетамизнинг кейинги сони 2023 йил 23 декабрда чиқади.

Hurriyat
Mustaqil gazeta

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.

Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
Баҳоси келишилган нархда

Адади: 3 002
Буюртма — Г-1243
1 2 3 4 5 6

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.
Мақола ва хабарларда келтирилган маълумотлар учун муаллиф жавобгар.

Топширилиш вақти — 21⁰⁰
Топширилди — 22⁰⁰

Телефон: (71) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (71) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими: (71) 244-32-70

ISSN 2181-0680

Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Манзилимиз: 100011, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер Э.Ёдгоров томонидан саҳифаланди.

Навбатчи: И.Асилбеков. Мусаҳҳиҳ: З.Ҳасанова.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.